Халқ зиёлилари рўзномаси

Маърифат

معرفت

MARIFAT

1931 йил 4 июлдан чиқа бошлаган

1992 ЙИЛ 18 НОЯБРЬ, ЧОРШАНБА

№ 95 (6591).
Баҳоси 1 сўм 50 тийин.

Янгилаш даври, янгиланиш даври

Маълумки, 1992 йилда республика халқ таълими соҳасида муҳим воқеа содир бўлди: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши «Таълим тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонунини қабул қилди. Ана шу Қонун асосида Қорақалпоғистон Республикасининг «Таълим ҳақида»ги Қонуни лойиҳаси ҳам яқинда вақтли матбуотда эълон қилинди.

Мухбиримиз Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири Т. АТАМУРАТОВ ҳузурида бўлиб, у билан мактаб-маориф ишлари ва унинг истиқболлари тўғрисида суҳбатлашди.

— Шуни мамнуният билан қайд этишим лозимки, «Таълим тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилиниши айни муддао бўлди. Маорифимиз тараққиёти янги босқичга кирди. Чунки Қонунда халқ таълими иши мустақил Ўзбекистонни тез вақт ичида дунёдаги илмий-техникавий жиҳатдан ривожланган мамлакатлар даражасига кўтаришнинг, жамиятимиз қиёфасини тубдан ўзгартириб, уни юксак маданиятли, чуқур одоб-ахлоқли инсонлар жамиятига айлантиришнинг асосий омили эканлиги алоҳида уқтирилган. Қонунда «Ўзбекистон Республикаси келиб чиқиши, жинси, тили, ёши, ирқи, миллати, эътиқоди ва динга муносабатидан, ижтимоий аҳволи, машғулотининг тури, турар-жойи, республика ҳудудида қанчадан бери яшаётганлигидан қатъи назар, барчанинг таълим олиши учун тенг ҳуқуқларини кафолатлайди», деб кўрсатилган. Таълим тизимининг янада демократик хусусият касб этишида ва, умуман, демократик жамият барпо этишда, бу модданинг аҳамияти беқиёсдир.

Республика фуқароларининг бу конституциявий ҳуқуқи уларнинг ўқиб билим олиши учун тегишли барча шароитларнинг яратилиши орқали амалга оширилади. Таълим олишнинг турли йўллари, шакллари, ҳозирги замон талаблари даражасида олиб борилишига алоҳида эътибор берилади. «Таълим ҳақида»ги Қонунда билим бериш жараёнида иштирок этувчи ҳар бир мутахассиснинг ҳуқуқлари ва вазифалари; халқ маорифи муассасаларининг мақоми аниқ белгиланган.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, Қонунга мувофиқ республикамизда бундан кейин халқ маорифи иши жамиятни маънавий, маданий ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устивор соҳаси ҳисобланиши муаллимларимиз меҳнатига одилона баҳо беришдир.

«Таълим ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни асосида Қорақалпоғистон Республикасида ҳам ана шундай Қонун қабул қилинади. Мақсад ва вазифалар аниқ бўлгач, эндиги бош йўналиш таълим сифатини юксак талаблар даражасига кўтаришдан иборат.

Бундан буён дунёдаги энг тараққий қилган мамлакатлардаги каби бизнинг республикамизда ҳам саводлилик инсоннинг фаолиятига лаёқатли эканлигини кўрсатувчи мезон бўлиб қолади. Аттестациянинг якунларига кўра, ўқитувчиларга, уларнинг ўз фанларини нечоғлик теран билиши даражасига, методик маҳоратига ва умумий билим савиясига, шунингдек одамийлик фазилатларига ҳар томонлама мос келадиган тоифалар бериш йўли билан уларнинг меҳнат ҳақларини тартибга солиш шу йўналишдаги дастлабки чоралардир.

Республикамиз Президентининг Фармонларига мувофиқ ўқитувчиларга яшаб турган уйларининг шахсий мулк қилиб берилиши, газдан, электр қувватидан, жамоат транспортидан ва бошқалардан фойдаланишда берилаётган бир қатор имтиёзлар зиёкорларимиз учун ҳақиқий ғамхўрлик намунасидир, албатта.

Бозор иқтисодиётига ўтилиши муносабати билан юз бераётган қийинчиликларга қарамасдан, мактабларни ва Халқ таълими вазирлигига қарашли бошқа ўқув даргоҳларининг ўқув-моддий базасини замон талабларига мос келадиган даражага кўтариш, мустаҳкамлаш борасида муайян ишлар амалга оширилянти.

Қорақалпоғистон Республикасида 691 та умумий таълим мактаби мавжуд. Уларда 315 минг нафар ўқувчи янги ўқув дастурлари ва йўналишлари асосида таълим оляпти. 213 та мактабгача тарбия муассасасида 38 минг 290 нафар кичкинтой тарбияланмоқда. 36 та ҳунар-техника билим юрти, 67 та мактабдан ташқари болалар муассасаси, 38 та мактабларо ўқув-ишлаб чиқариш комбинати, 7 та мактаб-интернат ва Хўжайли шаҳрида Ҳамза номли болалар уйи фаолият кўрсатмоқда. 1992 — 1993 ўқув йили арафасида 21484 ўқувчи ўринли 39 та янги мактаб биноси ва 4475 болага мўлжалланган 22 та мактабгача тарбия муассасаси биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Мактабларни замонавий ўқув жиҳозлари ва техника воситалари билан таъминлаш бўйича ҳам қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Ҳозирги пайтда мактаблар ва ҳунар-техника билим юртларида 233 та компьютерлаштирилган синф бор. Район ва шаҳар халқ таълими бўлимлари ҳузурида техника воситалари билан ўқитиш марказлари ташкил қилиниб, бу ерда компьютердан фойдаланиш бўйича амалий ишлар, семинарлар ўтказилади, ўқитувчиларнинг техникавий билимлари оширилади. Бу ишга вазирлигимиз ҳузуридаги республика таълим-тарбия услубиёти Маркази раҳбарлик қилмоқда.

Марказ «Билим» нашриёти ва муаллифлар жамоаси билан биргаликда ҳамда Ўзбекистон Педагогика илмий-тадқиқот институти Қорақалпоғистон филиалининг олимлари иштирокида оригинал ва таржима дарсликлар, методик қўлланмалар, кўргазмали қуроллар яратиш устида астойдил иш олиб бормоқда.

«Қорақалпоғистон муаллими» жаридасининг нашр қилиниши маданий ҳаётимизда муҳим воқеа бўлди. «Еркин Қарақалпақстан» газетасида «Маориф» рукнининг ташкил қилиниши, телеэкран орқали ойига бир марта кўрсатиладиган «Ўқитувчилар экрани», «Инглиз тилини ўрганамиз», «Эски қорақалпоқ имлоси», «Одобнома», «Тилга эътибор — элга эътибор» эшиттиришлари ва бошқа тадбирларни ташкил қилишда республика ўқув-услубиёт марказининг улуши салмоқлидир, албатта.

Лицей, гимназия каби янги ўқув даргоҳларининг очилиши республика жамоатчилигида катта қизиқиш уйғотаётир. Ҳозирги пайтда Тўрткўл, Беруний. Чимбой, Нукусда лицейлар фаолият кўрсатмоқда. Бу лицейларда иқтисодиёт асослари, инглиз тили, физика, ва математика фанлари чуқур ўрганилаётир.

Қорақалпоғистон Республикасининг хорижий эллар билан, айниқса, Туркия билан иқтисодий алоқаларининг кенгайиб борищи ҳозирги қийин шароитда юз бераётган муаммоларимизни тезроқ ҳал қилишга ижобий таъсир кўрсатиши шубҳасиздир. Жумладан, Нукус шаҳридаги 30-ҳунартехника билим юрти базасида Туркия лицейи очилиб, унинг талабалари бошқа фанлар билан бир қаторда турк, инглиз, қорақалпоқ тилларини чуқур ўрганадилар, келгусида Туркия ва бошқа мамлакатлардаги олий ўқув юртларига кириб ўқиш имкониятига эга бўлишади. Ўтган ўқув йилида республикамиз мактабларини аъло битириб, инглиз тили ва математика фанларидан бўлган тест синовидан муваффақиятли ўтган 9 нафар ўқувчи Туркия дорилфунунларига қабул қилинди.

Мактабларимизда миллий-маданий урф-одатларимиз, қадриятларимизнинг чуқур ўрганилишига, шу билан бирга инсоний одобахлоқ нормаларининг тарғиб қилинишига катта эътибор берилмоқда. Бу борада зиёкорларимиз зиммасига чуқур масъулият тушади, чунки улар мактабда асосий тарбия таянчидир.

Ҳозирги пайтда мактабларимизда 26565 ўқитувчи меҳнат қилмоқда. Уларнинг 73 фоизидан ортиғи олий маълумотли мутахассислардир. Мактабларимизда ўзларининг ҳалол меҳнатлари орқали ёшларга пухта билим ва тарбия беришаётган фидокор муаллимларимиз оз эмас. Бу ўринда К. Оспанов, Қ. Бозоров, З. Тилеуов, А. Жуманиёзова, Қ. Қолбоева, И. Габидуллина, Қ. Юсупов, В. Каменев, Р. Цой, Б. Йўлдошев каби юзлаб педагогларни фахр билан тилга олиш мумкин.

Сўнгги йилларда «Йилнинг илғор ўқитувчиси», «Йилнинг илғор мактаби» кўрик-танловлари, оригинал кўргазмали қуроллар, миллий ўйинчоқлар ясаш, миллий ўйинлар ўтказиш бўйича мусобақалар бўлаяпти. Ҳунар-техника билим юртларида «Моҳир касб соҳиби» мусобақасининг ва кўргазма-ярмаркаларнинг ўтказилиши анъана тусини олаётир.

Умуман, зиёкорларимиз бош вазифаси мустақил республикамизнинг истиқболини кўзлаб, ҳар томонлама билимдон, одоб-ахлоқли, юксак инсоний фазилатли ёшларни тарбиялашга, ўқитишга муносиб ҳисса қўшишдан иборат бўлиб қолаверади.

Суҳбатни мухбиримиз Ғ. ЕҚУБОВ ёзиб олди.

КАТТА ЙЎЛНИНГ ДЕБОЧАСИ

Борлиқ ҳақида болада тасаввур ҳосил қилиш нақадар ёқимли иш. Ўқувчининг ўзи учун мутлақ номаълум сирдан воқиф бўлгандаги қувончи меҳнатнинг маҳсули эканлигини ўйлаб таскин топасан. Бу юмушнинг машаққатини ҳам, лаззатини ҳам татиб кўрган Дўстлик районидаги 4-мактаб биология фани муаллимаси Ойдин Эсонова ҳар бир дарсни бир кашфиёт деб билади.

ТАСВИРДА: О. Эсонова машғулотда.

У. ҚУШВОҚОВ сурати.

ТАЪЛИМГА ЭЪТИБОР ИСТИҚБОЛНИ КЎЗЛАШДИР

Андижон шаҳрида ҳозирги кунда 47 мактаб, 4 та кечки ўқув маскани, 56 та мактабгача тарбия муассасаси, 7 та мактабдан ташқари болалар муассасаси ўғил-қизлар камолоти хизматида. Бу таълим-тарбия масканларидаги ишларни тамоман яхшилаш, давр талаби даражасига етказиш кунинг долзарб вазифасидир. Бу йўлда бир қатор ижобий ишлар қилинмоқда. Ҳозирги кунда шаҳардаги 13, 46-мактаблар базасида гимназиялар ташкил қилинди, 14 та мактабда эса турли касбларга ихтисослаштирилган кичик корхоналар ишлаб турибди.

Мактабларнинг ўқув-моддий базасини бойитиш ва мустаҳкамлашда шаҳардаги ип-газлама комбинати, трикотаж фабрикаси, пойабзал ишлаб чиқариш бирлашмаси сингари корхона ва ташкилотлар ҳам катта ёрдам кўрсатмоқдалар. Бироқ ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида таълим-тарбия ишини тубдан яхшилашда бир қатор тўсиқлар, ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолар ҳам бор.

Яқинда бўлиб ўтган XXI чақириқ халқ нойиблари Андижон шаҳар Кенгашининг XII сессиясида «Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида халқ таълими ишини қайта қуришда олиб борилаётган тадбирлар ҳақида»ги масала атрофлича муҳокама қилинди, етилган муаммоларнинг ечимлари изланди.

Сессияда сўзга чиққан шаҳар ҳокимининг ўринбосари Муаззамхон Шамсибоева, шаҳар халқ таълими бўлимининг мудири Азизбек Абдурахмонов, 24-ўрта мактаб ўқитувчиси Одилжон Мамадалиев ва бошқалар шаҳарда таълим ишини қайта қуришнинг энг муҳим масалаларини таҳлил этиб, бир қатор тадбирларни таклиф тариқасида киритдилар.

Сессияда Андижон шаҳар ҳокимлиги ҳузурида иш кўрадиган балоғатга етмаган ёшлар билан ишлаш ҳайъати ҳам ташкил қилинди.

Шаҳар нойиблари муҳокама этилган масала юзасидан зарур тадбирларни тасдиқладилар.

С. ҲАЙДАРОВ.

ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИ ЛОЙИҲАСИ УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИДА

БУ ҚОНУН ЎЗИМИЗНИКИ БЎЛАДИ

Жумҳуриятимиз мустақилликка эришгач, қисқа фурсат ичида кўплаб давлатларга танилди. Оғир иқтисодий даврга қарамай, давлатлараро ҳамжиҳатлигимиз, муносабатларимиз ва ташқи алоқаларимиз ривожланиб бормоқда. Шунингдек, республика ичкарисида ҳам туб ўзгаришлар бўлмоқда. Чунончи, янги Конституция лойиҳасининг юзага келиши жумҳуриятда истиқомат қилаётган фуқароларни ҳар томонлама ҳимоя қилишдан далолат бераб турибди.

Конституция лойиҳасини тўлиқ ўқиб чиқдим. Айрим жойларини таҳлил қилиб, ўзимча чиғириқдан ўтказдим.

Ўз мулоҳазаларим билан ўртоқлашишга қарор қилдим.

Конституция лойиҳасининг VII боб, «Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар» қисмининг 30-моддасида **«Барча учун дин эркинлиги кафолотланади. Ҳар бир инсон виждон эркинлиги ҳуқуқига, хоҳлаган динига эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Ҳеч бир диний ташкилотнинг давлатдан бирор имтиёз олиши ва сиёсий ҳокимиятдан фойдаланиши мумкин эмас»**, дейилган. Фикримча, мана шу хатбошининг охирги жумлаларини **«ҳеч бир диний ташкилотнинг давлатдан бирор имтиёз олиши ва сиёсий ҳокимиятдан фойдаланишига имкон яратилмайди»** сўзлари билан тўлдириб тузатилса, мақсадга мувофиқ келарди.

Лойиҳада давлат ҳокимиятининг ташкил этилишига ҳам катта аҳамият берилиб, кенг ва чуқур мушоҳада қилинган. Лекин ана шу бўлимда ҳам битта таклиф киритишни истардим. Масалан, 74-модданинг **«Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси ҳудудий сайлов округлари бўйича кўп партиялилик асосида беш йил муддатга сайланадиган 150 нафар депутатдан иборат»**, деб бошланувчи хатбошини **«Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси ҳудудий сайлов округлари бўйича номзодлари кўрсатилган фуқаролар асосида беш йил муддатга сайланадиган бир неча»** ўн нафар депутатдан иборат» жумлалари билан тузатилишини таклиф қиламан.

Мен Конституциядаги **«Оила»** бўлимига алоҳида тўхталмоқчиман. Ёшларга таълим-тарбия бериш, болаларни ёшликданоқ одобли, ахлоқли қилиб тарбиялашда ўзбекларга тенг келадиган миллат бўлмаса керак, десам хато ҳисобланмас. Аммо давр ўзгарди. Эндиги одамлар, ёшларимиз ҳам аввалгилардан бошқачароқ. Тартиб-интизом, шахс ва жамият, никоҳ масалаларига енгил-елпи қарайдиган бўлиб қолганмиз. Шу боис ҳам кейинги йилларда ёшлар ўртасида қонунбузарликлар, оиланинг бузилиб кетиши каби ҳоллар тинимсиз ўсиб бораяптики, камайган эмас.

Назаримда, лойиҳадаги ана шу бўлимни тўлиқ қайтадан ишлаб чиқиш, имкони бўлса, инсоншунос олимларни бунга жалб этиш керакки, токи бу жиҳатдан бизнинг қонунларимиз ҳамдўстликдаги жумҳуриятлардан алоҳида фарқлироқ бўлиб қолсин.

Энди лойиҳанинг **«Конституциянинг кучга кириши ва уни ўзгартириш тартиби»** бўлими хусусида. Аввало, жорий этиладиган Конституция собиқ Иттифоқники сингари қисқа даврни ўз ичига оладиган, раҳбарларнинг ўзгаришига қараб тузатиладиган бўлиб қолмаслигини истардим. Таклифим: 125-модданинг **«Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси жами депутатларининг камида учдан икки қисмидан иборат кўпчилиги томонидан қабул қилинган қонунлар билан киритилади»** жумласи **«Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиришлар зарур бўлган тақдирдагина, чуқур таҳлил этилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси жами депутатларининг камида учдан икки қисмидан иборат кўпчилиги томонидан қабул қилинган қонунлари билан тузатилади ёки тўлдирилади»** деб тузатилса.

Хуллас, бу қонун жумҳуриятимиз аҳлиникига айланиши учун уни ҳар томонлама, мукаммал, пухта, такомиллашган даражага олиб чиқишимиз даркор. Акс ҳолда уни муҳокамага қўйишдан ҳеч бир фойда йўқ. Ҳамкасбларимни ҳам Конституция лойиҳасини жиддий ўрганиб фикр билдиришга даъват этаман.

Бердимурод СУЛТОНОВ,
Шаҳрисабз район халқ таълими бўлимининг мудири.

ОБУНА—93

КЎМАКДОШ

Мен 32 йилдан буён муаллимлик қиламан. «Маърифат» рўзномасига ҳар йили биринчилардан бўлиб ёзиламан. Ўзим ишлаётган Гулистон туманидаги Улуғбек номли мактаб жамоаси ҳам ушбу рўзномага ўюшқоқлик билан обуна бўлишмоқда. Биз, обуначилар, ўйлаймизки, газетамизнинг янги йилдаги саҳифаларида биз ўқитувчиларга ёрдам берадиган методик мақолалар тез-тез берилиб боради.

М. НОРБОЕВ,
меҳнат фахрийси.

●

Чироқчи районидаги 87-ўрта мактабнинг педагоглар жамоаси келгуси йил матбуот нашрлари учун обуна мавсумини тугатдилар.

Айниқса, ўқитувчиларнинг кўп йиллардан бери ҳамроҳи, кўмакдоши бўлган «Маърифат»га жону дил билан ёзилдилар.

Мактабнинг педагогик жамоаси матбуот нашрларига ҳаммаси бўлиб 10.000 сўмлик обуна бўлди.

Обунанинг ўз вақтида ўтказилишида мактаб ўқитувчиси, обуна тарқатувчи Э. Сариев фаоллик кўрсатди.

Б. БОБОРАҲМАТОВ.

МУШТАРИЙЛАР ДИҚҚАТИГА!

„Маърифат"

1993 ЙИЛ УЧУН ОБУНА БЎЛДИНГИЗМИ?

ОБУНА БАРЧА АЛОҚА БЎЛИМЛАРИДА, ИШ ВА ЎҚИШ ЖОЙЛАРИДА ЖАМОАТЧИ МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИЛАР ТОМОНИДАН ЧЕКЛАНМАГАН МИҚДОРДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

ОБУНА БАҲОСИ: БИР ЙИЛГА — 264 СЎМ, ЯРИМ ЙИЛГА — 132 СЎМ.

БОЛАЛАР—МИЛЛАТ КЕЛАЖАГИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат котиби Р. Ражабов БМТ болалар жамғармасининг (ЮНИСЕФ) Ўрта Осиё ва Қозоғистон бўйича доимий вакили Акрам Берердинжни қабул қилди. Давлат котиби ЮНИСЕФ вакилига мустақиликка эришгандан кейин Ўзбекистонда кечаётган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ислоҳотлар, хусусан, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида аҳолининг кам даромадли табақаларини, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳақида гапириб берди.

Акрам Берердинж Ўзбекистонда таълим-тарбия, соғлиқни сақлашнинг изчил тизимлари мавжудлигини эътироф этиб, бу муҳим соҳаларни янада такомиллаштиришнинг истиқболлари ҳақидаги фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашди. Ўзбекистон яқин йилларда ёрдам оладиган эмас, ЮНИСЕФ орқали бошқа давлатларга ёрдам берадиган давлатга айланишига ишончим комил, — деди Акрам Берердинж.

Акрам Берердинж давлат котибига ЮНИСЕФнинг Ўрта Осиё ва Қозоғистон минтақаси бўйича доимий вакили эканлиги ҳақидаги ишончномани топширди.

Дўстона суҳбатда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари М. Қорабоев, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазири Ш. Каримов ва бошқа расмий кишилар иштирок этишди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг матбуот хизмати.

НАРХ ОШДИ, АММО...

Рўзномалар нархининг кўтарилиши муштарийлар ўртасида ҳам турли шов-шувларга сабаб бўлмоқда. Лекин мен билган баъзи муаллимлар ойлисидан 1993 йил учун обуна мавсумига муносабатларини сўраганимда, «Нархи ошди деб ҳаётдан, сиёсатдан, янги ахборотдан орқада қолиш зиё тарқатувчиларнинг иши эмас», деб жавоб беришди.

Тўғри-да, нархнинг ошиши бир-икки кишининг манфаати учун эмас, балки давр тақозоси бўлганлигини соғлом фикрли кишилар тушуниб, тўғри баҳолаяпти, ҳеч оғринмай обуна бўлаяпти. Ахир ўқитувчилар маоши ҳам 5—6 баробар ошганлигини инкор этмаяпмизку. Фикримнинг далили сифатида келгуси йил учун обунада фаоллик кўрсатаётган бир неча ўқитувчиларни айтмоқчиман. Рашида Баҳодирова, Сайёра Абдувалиева, Дилбар Маҳкамова, Гулнора Бекназарова, Феруза Эрмуҳамедова кабиларни мамнуният билан тилга олгинг келади.

С. СУЛТОНОВ,
олий тоифадаги фахрий ўқитувчи.

Муаммо ва мулоҳазалар

«АЁЛ БЕШИКНИ ТЕБРАТАР...»

МИЛЛИЙ БОҒЧАЛАР ЗАРУРМИ?

Аёл бир қўли билан бешикни, бир қўли билан дунёни тебратади! Бешикда Ватан улғаяди, дунё камол топади. Она алласи дунёни эзгуликка чорлаб, мурғак кўнгилга эзгулик уруғини сепади.

Алланинг оҳангидан, каломларидан туғилган юртга, халққа, яхшиликка садоқат уфуриб туради. Бу садоқат насимлари бола қонига сингади, руҳига юқади. Алла ва матал тингламаган юрак эзгуликка қодир бўла олармиди?

Уват қанорида, дала шийпонидаги боғчада, тутга осиғлик беланчакда миллат келажаги ўсмоқда, илиги кучга, онгги ақлга тўлмоқда. Она эса пахтазорда, далада. Кун тиғида кетмон чопади. Кўкраклари қайнагандагина бошидан офтоб ураётганини сезади...

Оилавий боғчалар аслида умумий боғчалар торлик қилиб қолгани, уларга болаларни жойлаштириш учун йиллаб навбатларда туришга тўғри келгани учун, заруратдан пайдо бўлди ва муаммонинг ҳал этилишида қисман кўл келади, албатта. Бу янгилик сифатида афзал ва сайқалланиши керак бўлган «хира» томонларига ҳам эга.

Қашқадарё вилояти Касби ноҳиясидаги «Навбаҳор» номли 3-болалар боғчасининг илк оиладаги бўлими Тошқудуқ қишлоғида истиқомат қилувчи Ҳалима опа Муродованинг хонадонида ташкил этилди. Ҳалима опа қизи Дилафрўз Оқилова ҳамда шахсий уйининг икки хонаси билан бирга «боғча» бўлди. Боғчада етти нафар ўғил-қиз тарбияланади. Бу ўринда «тарбия» сўзини (ҳозирги ўлчовлар кўзи билан қараганда) жуда нисбий маънода ишлатмоқдамиз. Негаки, Ҳалима опанинг ҳам, қизи Дилафрўзнинг ҳам мактабгача тарбия соҳасида махсус маълумоти йўқ. Аммо уларнинг оналик қалби меҳр-муҳаббатга, шафқату раҳмга тўла. Тажрибали, ширинсухан педагог Ойдин Саломатова мудиралик қилаётган «Навбаҳор» боғчаси ҳозирги кунда иккита ана шундай «оилавий боғча»га эга.

— Боғчамиз ноҳия марказида жойлашган, — дейди Ойдин опа. — Марказда қишлоқларимиздагига нисбатан аҳоли зич. Меҳнаткашларнинг боғча ёшидаги ҳамма болаларини ҳам боғчамизга жойлаштириш имкониятига эга эмасмиз. Бу муаммони бартараф этиш учун икки хонадонда боғчамизнинг бўлимларини очдик. Бундан ота-оналар ҳам хурсанд.

Илгари «Навбаҳор»да болалар сиқилиб қолишган эди, ҳатто битта каравотда иккитадан бола ётарди. Ҳар бир гуруҳда 25—30 нафардан бола жамланган эди. Бир тарбиячининг 25—30 нафар болага қарагани ёки 7 нафар бола билан машғул бўлгани орасида жуда сезиларли фарқ бўлишига сиз ҳам гумон қилмасангиз керак. Оилавий боғчаларда овқат ҳам сифатлироқ тайёрланади. Болалар ўз уйларидагидек, ота-она эътиборида бўладилар. Тарбиячи соат 5 ёки 6 дан кейин, умумий боғчалардагидек, боғча дарвозасига қулф осиб, ота-онаси ўз вақтида олмаган болаларни (ҳар қанақа сабаблар бўлиши мумкин) кўчада қолдириб, уйига кетиб қолмайди.

Умумий боғчаларда кун давомида бола фақат аёл билан муносабатда бўлса, оилавий боғчаларда эркак (хонадон соҳиби) билан, ўз оға-иниларига ўхшаганлар — турли ёшдаги ўғил-қизлар (хонадондаги акаукалар, опа-сингиллар) билан ҳам ўз ўрнида муомалада бўлади, албатта.

Ҳалима опа Муродованинг хонадонида «боғча» ташкил этилиши осон бўлмади. райОНОга роса бир йил қатнади. Ҳафсаласи пир бўлиб, қўлни силтаб кетмоқчи бўлган дамларда унинг ғояси қизиқарли туюлган кўни-қўшнилари (бир чети ўз фарзандларини шу боғчага «топшириш»ни ўйлаб) қўйишмади. Ўзининг тадбиркорлиги ҳам иш берди. Ахир, оилавий боғча ташкил этиш ишбилармонлик эмасми? Мана, бир йилдан ўтди — ўз хонадонида «боғчани юргизиб» турибди. Дастлаб пайсалга солган бўлса-да, масаланинг моҳиятини англагач, райОНОдагилар бу ишда кўмаклашишди.

— Хонадон боғчамиз сутқатиқни, баҳор, ёз ва кузда ҳар хил кўкатлар, мева-сабзавотни ўзидан чиқариш имконига эга, — дейди опа. — Бу, албатта, РайОНО билан ҳисобкитоб орқали йўлга қўйилади. Назаримда, таъминот жиҳатидан дахлсизлик сари қадам қўйилиши боғчаларнинг мустақил бўлишини, хусусий боғчалар ташкил этиш масаласини кун тартибига қўяди. Ҳозир хусусий мактаблар ташкил этиш ҳақида эътиборга молик мулоҳазалар, таклифлар билдирилмоқда. Хусусий мактабларда ўқиш-ўқитиш устун бўлишини хорижданги тажрибалар тасдиқламоқда.

— Уйимизнинг уч хонасини боғча учун мослаштирдик, — дейди Ҳалима опа. — Битта хонада болалар ухлаб дам олишади, яна биттасида овқатланишади, бирида эса турли ўйинлар ўйналади, машғулотлар ўтказилади, телевизор томоша қилинади. Хоналарни қишда иссиқ, ёзда салқин сақлаш имконимиз бор. «Навбаҳор» боғчаси керакли ҳамма жиҳозларни берди. Озиқ-овқатни ҳам улар етказиб турибди.

Боғча масаласида ҳам бу борадаги мулоҳазалар айтилиши мумкин. Хусусий бўлганда ҳар бир соҳада эътибор, иш тартиби ва натижаси бошқача бўлиши, тараққий этган мамлакатлар тажрибасидан ҳам кўриниб турибди. Аммо ҳозирги шароитда хусусий боғчаларга бирданига ўтиш қийин. Оилавий боғчалар хусусий боғчаларга ўтиш йўлида бир босқич бўлиши мумкин. Ўз навбатида хусусий боғчалар миллий боғчаларга ўтиш, боғчаларни миллийлаштириш борасида бир зина аҳамиятига эга бўлур эди. Бунинг учун жамиятнинг иқтисодий-моддий-маънавий даражаси юксак, оилага, аёл ва болага муносабат маданияти шунга йўл қўядиган босқичда бўлиши лозим. Биз боғча Шарқ олами ва тарбияси учун хос бўлмагани каби, ўзбек оналаридек серфарзанд аёлларнинг рўзғор тебратиш учун оиладан узоқ ажралиб қолиши — миллатимиз учун табиатан хос эмас деб, ҳисоблаймиз. Бундай хулосани билдиришда халқни халқ қилиб яратган табиатнинг яратувчилик мезонларига, тақсимотлари ва ажримларига таянамиз.

Оилавий боғчалар — ҳозирча янгилик. Бу янгиликнинг ҳам ўзига хос ютуқ ва камчиликлари мавжуд. Биз бир мақола доирасида бу ютуқ ва камчиликлар ҳақида муфассал, ипидан-игнасигача баён қилиш мақсадида эмасмиз. Зеро, ютуқ-камчиликлар ҳар бир жойнинг муайян шароитидан, ташаббускорлар, ташкилотчиларнинг уқуви ва билимидан, моддий тайёргарликдан ўсиб чиқади (умумий камчиликлар бўлишини инкор этмаймиз), уларнинг объектив ва субъектив сабаблари бўлади. Оилавий боғчаларнинг ютуқлари, нуқсонлари борасида мутахассисларни, тажрибали педагогларни баҳсга чорлаймиз, уларнинг мулоҳазалари, таклифларини билишга қизиқамиз. Оилавий боғчалар қандай бўлиши керак? деган саволга ўзимизнинг тасаввуримиздаги умумий жиҳатларни бақадри ҳол ифодалаймиз. Чунки оилавий боғчалар бўйича тўпланган тажрибаларимиз камлиги ҳам узилкесил қарорга келишда шошилмаслигимизни тақозо этади...

Салим АШУР.

ЗУККОЛИК ЗИЁСИ

Ҳозирги пайтда эски ўзбек ёзувини жумҳуриятимизда ёппасига қизиқиш билан ўрганишга киришилди. Бу, табиийки, тарихий, маданий меросимизни ўрганишга асос бўлади. Чунки тарихий, маданий асарларимизнинг ҳаммаси араб алифбосида битилгандир.

Араб ёзуви қўлланила бошлаганга қадар ҳам Турон элатиликлар (ўзбек халқининг қадимий ота-боболари) массагитлар, шаклар, сўғдийлар, хоразмийлар ўзларининг Урхон-Енисей битиги, сўғдий битиги, хоразмий битиги каби ёзувларига эга бўлганлар. Аммо, минг афсуслар бўлсинки, улардан намуналаргина бизгача етиб келиб, фақат мутахассис олимларгина ундан баҳраманд бўла оладилар. Араб ёзуви Ўрта Осиёда VIII асрдан XX асргача расмий ёзув сифатида ишлатилиб келинди. Араб ёзуви ва унга асосланган эски ўзбек ёзуви ўнгдан чапга қараб ёзилади ва ўқилади. Бунинг фойдали томони шундаки, ёзиб бораётган қалам учининг чап ва ўнг томони ҳам бемалол кўрилиб борилади. Дафтарнинг бўш қисми ҳам ҳаттотнинг ҳисобида бўлади. Шунинг учун ҳам араб ёзувида сўз бўғини кўчирилмайди. Ҳар бир ҳарфнинг ўз номи бўлиб, алоҳида айтганда ўша ҳарф-товуш талаффузида ўзининг тўлиқ ифодасини топади. Араб имлосида 16 та шакл мавжуд. Шу шакллар асосида нуқталар, белгилар қўйиш орқали 28 та ҳарф вужудга келади. Ҳарфлар тўрт кўринишга эгадир; алоҳида, сўз бошида, сўз ўртасида ва сўз охиридаги шакллари бор. Улар турли кўринишларда бўлса-да, ўша ҳарфнинг асосий қисми сақланган бўлади. Ҳарфларнинг алоҳида шакли сўз ёзишда сатр чизиғида ёнма-ён қўйиб ёзилаверса, албатта, қаторда кўп жойни эгаллаб қўяди. Бу ҳарфлар бир-бири билан боғланганда ихчамлаштириш ҳисобга олинган. Бу битикда ундош ва чўзиқ унлиларгина қўлланилади. Тубандаги назар (қараш), назир (ўхшаш), наззора (кўз солиш), назира (эргашиш), назир (совға, ҳадя) каби маъноси билан тамоман фарқланадиган сўзлар бир хилда Н, З, Р, учта ундош ҳарф билан белгиланади. Гапнинг англашган мазмунига қараб назар, назир, наззора, назира, назур сўзларининг қайси бири қўлланганлигини қисқа унлилар дилдан ўз ўрнида қўшилиб мантиқий асосда ўқитилади. Фатҳ, касра, дамма (қисқа унли а, и, у) лар сўз маъносини очқич вазифасини бажарадилар.

Эски ёзувда дафтар, қалам, ёзаётган ҳаттотнинг ҳаракати, вақти тежалиши билан ўқиётган кишининг паришон хотирлигига йўл қўйилмайди. Кишига катта масъулият юкланади. Маъносига тушунмасдан бир сўз нотўғри ўқиларкан, матн ўқишлик шу пайтнинг ўзидаёқ тўхтатилади. Матнда ибора ва жумлалар мазмуни муттасил англаб боришликни тақозо этади. Араб ёзувини пухта эгаллаганлар нотиқнинг айтганларини сўз қолдирмасдан тўлиғича ёзиб бориш маҳоратини ҳам эгаллаган бўлади. Ёзувда ҳар икки томондан келадиган ҳарфлар билан боғланадиганлари бўлиши билан бирга, фақат ўнг томондан келган ҳарфларга қўшилиб, ўзидан кейин келган чап томондагиси билан унсур орқали ёзиб бўлмайдиган олтига товуш бор. Бу икки кўринишга эга бўлган дал, зал, ра, за, алиф, вов ҳарфларини мунфасил, яъни айрилган, ажралган ҳам деб юритилади. Мунфасил ҳарфлар сўз ўртасида келганда шу жойдан сўзда бўлиниш бўлади. Уларни қўшиб бир-бири билан боғлаб ёзиб бўлмайди. Ўзидан кейинги келаётган ҳарфларга боғланган ҳолда ёзилса, ўша ҳарфнинг шакли бутунлай ўзгаради. Таниб бўлмайдиган, баъзи ҳарфлардан фарқ қилган кўринишга айланиб қолади.

Жами ҳарфларнинг кўриниш шакли юзта. Улардан бошқа фатҳа, қасра, дамма, сукун, ташдит, танвин, дамма; танвин касра, тансин фатҳа, ҳамза, васла каби қарийб 20 га яқин ҳаракат белгилари ҳарфлар усти ва тагига қўйиш билан ўрганилиб, хатсавод чиқарилади. Араб ёзувида бадиий асарлар асосан ҳаркатсиз берилади. Қўшимча белгилар савод чиқаришда ўрганилиб, дарсликларда, луғатда, ғазалда, Қуръони Каримдагина қўлланилади.

Араб тили фонетикасининг ўзига хос бўлган са, сод, зал, зод, зо (итғи), та (изғи), ҳоил ҳутти, алиф мамдуда, алиф мақсуда, алиф мафтуха, возви мажҳулий бирбиридан оҳанглари билан фарқланадиган товушлар учрайди. Айрим жойларда баъзи унлилар ва ундошлар икки, тўрт баробар чўзиқ талаффуз қилинади. Бир турдаги қўш ундошли сўзларда биргина ундош ёзилсада, икки-уч маротаба кучайтирилиб, майин ёқимли оҳанг берилади.

Араб ёзувидаги имлода нуқта, вергул, тире, сўрок, ундов каби тиниш белгилари йўқ. Ёзувда улар қўлланилмайди. Қироат қилаётган киши саводхон бўлса, тиниш белгиларининг ўрни келганда овозни мослаштириш орқали баён этади. Бу ҳам қироатхондан катта масъулият, тушуниб ўқишни талаб этади. Араб ҳарфлари сон маъносини ҳам билдиради. Бирор тарихий воқеа, қаҳрамонлик вақти, тарихий шахснинг таваллуди, вафоти ҳақидаги сана маълумотлари саноқ сўзлардаги ҳарфлар воситасида баён қилинади.

Боболаримиз ижодига назар солсак, улар фойдаланиб келган насх, куфей, девоний, суле ҳати каби ёзувларда ажаб сирли санъат намоён бўлади. Айниқса, сулс хатида наққош усталар ҳарфларга турли безаклар бериб, тарихий эбидаларни безаганликлари кишиларни ҳайратга солмасдан қўймайди. Шунингдек, китоб саҳифаларининг жилолари ва унда берилган ҳайратомуз мисралар ҳаммани ўзига мафтун этади.

Араб алифбосидаги ўзбек ўтмиш маданияти — меросимиз, санъат ва адабиёт, айниқса ҳадислардан баҳраманд бўлиб, кишида зеҳн ва зийраклиқни камол топтиради. Зукко сўзи зеҳн ўткирлиги, тез фикр юритиб, тўғри тушуна билиш, одилона хулоса чиқариш, зиё эса нур, шуъла, ёруғлик мазмунини англатади.

Раҳмон МАМАТОВ,
методист.

ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ИЖОДИЙ КЎРГАЗМАСИ

Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти тасвирий санъат муаллимлари уюшмаси томонидан «Ўзбекистон меъморчилик санъати болалар ижодида» деб номланган кўргазма ташкил этилди. Кўргазмага жумҳуриятимизнинг турли бурчакларидан келган тасвирий санъат намуналари қўйилган бўлиб, ижодкор ўқувчилар ўз расмлари билан қатнашдилар.

Кўргазмада фаол иштирок этаётган ўқувчиларнинг ижодини кўздан кечирганда шу нарса маълум бўлдики, фақатгина Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз каби меъморчилик обидалари сақланиб қолган шаҳарларда истиқомат қилувчи болаларгина эмас, ҳатто бошқа шаҳарларда яшовчи болалар ҳам бу борада сезиларли ютуққа эришганлари кишига қувонч бағишлайди. Шуни дадил айтиш мумкинки, ижодкор ўқувчилар Ўзбекистонимизнинг меъморчилик обидаларини тасвирда ифодалай олиш имкониятига эга эканликларини яна бир бор намойиш этишди. Буни ангренлик Олимжон Душаевнинг «Регистон» номли тасвирида яққол кўришимиз мумкин. Бу асарни диққат билан кузатар эканмиз, ёш мусаввирнинг мақбаранн композиция жиҳатидан тўғри ҳал этибгина қолмасдан, балки унга миллий руҳга мос бўёқлар беришдаги маҳоратига ҳам қойил қоласиз.

Ўқувчилар ижодий асарларининг аксарияти, мойбўёқ, сувбўёқ, гуаш кабиларда ишланганлиги. Гарчанд, танланган мавзуларни қаламтасвирнинг ўзига хос услуби ва бадиий материаллари орқали ижобий ҳал этиш имконияти кенгроқ бўлса-да, кўргазмада бундай усулда ишланган расмлар ниҳоятда кам. Қаламтасвир, графика, усуллари ҳам тадбиқ этилганда, қадимий меъморчилик обидаларини турли-туман кўринишларда ифодалаш имконияти янада кенгайган бўлур эди.

Кўргазманинг ташкилотчиси — Ўзбекистон тасвирий санъат муаллимлари Уюшмаси ижодкор ўқувчиларга ғамхўрлик қилиш, уларни моддий ҳамда маънавий рағбатлантириш соҳасида ҳам кўпгина ишларни олиб бормоқда. Уюшма бошлаган бу хайрли иш изсиз қолмайди, албатта.

З. БОБОМУРОДОВ.

МАКТАБДАН ТАШҚАРИ МУАССАСАЛАРДА

БЕҒУБОР КЎЗЛАРДА КЎКЛАМ НАФАСИ

— Қоғоздан тайёра ясайвериш ҳам жонга тегиб кетди. Қачон учар экан бизнинг тайёралар?..

— Домламиз айтдиларки, маориф камбағал эмиш. Биз ясаган тайёраларга, ҳатто, ёнилғи ҳам топилмас экан.

— Япон болалари сув ости кемаси қураётган бир пайтда, биз Унда нега амакиларимиз «Келажак — болаларники» — деб ваъз қоғоздан тайёра ясаб ўтирсак-а... ўқишади?..

Бу шингил лавҳа Наманган вилояти Норин районидаги болалар ва ўсмирлар уйининг «Парвоз» командаси тайёрлаб келган саҳна асаридан келтирилди.

Республика ўқувчилар ижодиёти марказида ёш техниклар мусобақасининг якуни бўлиб ўтди. Мусобақада ангренлик ва наманганлик ёш техниклар куч синашдилар. Мусобақа шартлари 5 қисмдан иборат бўлиб, бу шартларнинг ҳаммасида ҳам ўқувчиларнинг техник лаёқатлари, ижодкорлик ва кашфиётчилик иқтидорларига эътибор берилди.

Майса каби мўйлови эндигина ниш урган ўспирин қўлидаги дазмолнинг ички схемаси тўғрисида қизариб-бўзариб гапиради. Ў қаттиқ ҳаяжонда, жовдираб турган беғубор кўзлари ғоятда сермаъно, ўтли. Оқил чеҳраси новдадек ёш иқтидорли бу болакайнинг порлоқ истиқболидан дарак беради. Унинг беғубор кўзларидан ўткир ақл-заковат эгаси бўлиб улғайиши сезилиб туради.

Мусобақа анча қизиқарли ўтди. Наманганлик ўқувчиларнинг хатти-ҳаракатларидан кўриниб турибдики, улар бу кунни орзиқиб кутишган, яхши тайёргарлик кўришган. Шунинг учун ҳам, ғолиб бўлишди.

Ангренлик ўқувчиларни ҳам камситиб бўлмайди. Улар хусусида ҳам яхши гаплар айтиш мумкин. Айниқса, улар ясаб келтирган сув ости кемаси моделн кўпчиликка маъқул бўлди. Аммо улар мусобақанинг айрим шартларини бажариб келишмабди. Бу ҳол эса уларнинг ўзларига салбий таъсир кўрсатди.

Мусобақа якунида қатнашиб амин бўлдимки, беғубор кўзларида кўклам нафаси уфуриб турган истеъдодли болаларни англаш, уларнинг қизиқиши ва лаёқатларига қараб фойдали ишга йўналтириш, касб-ҳунар ўргатиш ғоят муҳим вазифалардан бири эканлиги кўзга яққол ташланади. Қиссадан ҳисса шуки, мактабдан ташқари муассасаларга бўлган эътиборни кучайтириш, зукко болажонларни тўгаракларга кўпроқ тортиш фойдадан холи эмас...

Шарофат ИСКАНДАР қизи.

ЎҚИТУВЧИЛАР ҲИММАТИ

Тошкент районининг бир гуруҳ ўқитувчилари бўш вақтларида Оққўрғон районининг Ҳамид Олимжон номли жамоа хўжалиги пахтакорларига яқиндан ёрдам бермоқдалар.

1-мактабнинг беш нафар ўқитувчиси бир ҳафта давомида хирмонга 1,5 тонна-га яқин «оқ олтин» тўкдилар. Ш. Садибоев, Ж. Бўрибоев каби ўқитувчилар, айниқса, жонбозлик кўрсатиб, кунлик меъёрларини ошириб бажардилар. Беминнат хизмат учун уларга раҳматнома эълон қилинди.

Р. ТИЛЛАЕВ.
Тошкент райони.

●

ҚИЗИҚАРЛИ КЕЧА

Бухоро шаҳридаги 24-кўзи очиз болалар ўрта махсус мактаб-интернатида «Тилгинам, онам деб атайман сени» мавзуида адабий-мусиқавий кеча ўтказилди. Бу тадбир ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганлиги тўғрисидаги Ўзбекистон жумҳурияти қонунининг қандай даражада амалий жиҳатдан бажарилаётганига бағишланди. Ўқувчилар тил тўғрисидаги мақоллар, ҳикматли сўзлар айтдилар. Она тилимизни мадҳ этувчи шеърлар ўқиб бердилар, қўшиқлар куйладилар. Саҳнада жажжи ҳажвиялар, интермедиялар ижро этилди.

А. ҲАЙДАРОВ.

ЎРИК ЎРИКДАН РАНГ ОЛАДИ...

ЁКИ БОЛАЛАР КИТОБХОНЛИГИ МУАММОЛАРИ

А. Қодирий номли Тошкент давлат маданият олий илмгоҳи доценти, педагогика фанлари номзоди Эргаш Йўлдошев билан жамоатчи мухбиримизнинг суҳбати жумҳуриятимизда бугунги кунда китобхонлик ва тўпланиб қолган баъзи муаммолар ҳақидадир.

Мухбир: — Эргаш ака, суҳбатимизни болалар китобхонлигининг долзарб муаммоларидан бошласак. Болалар китобхонлиги кун сайин сусайиб бораётганлиги кузатилмоқда.

Эргаш ЙЎЛДОШЕВ: — Ҳа, болаларимиз кўп китоб ўқиянти, деб мақтанолмаймиз. Бунинг учун катталар сабабчи. Биринчи навбатда, ота-оналарнинг китобга бўлган эҳтиёжлари сусайган. Кўпчилик китоб ўқишдан кўра телевизор кўришни хуш кўради. Ахир, ўрик-ўрикдан ранг олади-да?! Бир умр қўлига китоб ушламайдиган отанинг ўғли китобга меҳр қўйиши камдан-кам учрайдиган ҳол. Баъзи ёзувчи ва мутахассислар болалар адабиёти савияси пастлигини китобхонликнинг сусайишида асосий сабаб деб таъкидламоқдалар. Менимча, бу ҳам бир ёқлама қарашдир. Тўғри, турғунлик йиллари болалар адабиёти инқирозга учради. Ҳаётимиз умуман мадҳия ва мақтовдан иборат эди. Лекин бир нарса одамни ўйлантиради. Жаҳоннинг бетакрор адибларининг асарлари (таржимада), ҳатто Чингиз Айтматовнинг китоблари ҳам йиллар давомида дўкон расталарида турибди-ку. Агар гап дарсликлар ҳақида бўлса, унда тепа сочингиз тикка бўлади. Улардаги адабий асарлардан келтирилган намуналар фарзандларимизни биз орзу қилган руҳда тарбиялай олмаслиги аниқ. Дабдабабозлик, қуруқ сафсата билан суғорилган адабиёт дарсликлари болаларни бадиият олами билан ошно этолмаслиги турган гап.

М.: — Китобхонликни китоб тарғиботисиз тасаввур қилиш қийин. Умуман, китоб тарғиботининг бугунги ҳолатидан қониқиш ҳосил қилиш мумкинми?

Э. Й.: — Маълумки, жумҳуриятимиз аҳолисининг ярми — 47 фоизи болалар ва ўсмирлардан иборат. Бу Туркистондан (Ўрта Осиё) ташқари давлатларда учрамайдиган ҳолат. Лекин биз миллатимиз келажагини белгиловчи болаларимиз учун ҳам китоб тарғиботини давр талаби даражасида ташкил этолганимиз йўқ. Мактаб кутубхоначиларининг атиги 7 фоизигина ихтисосли олий маълумотлар ташкил этишини нима билан изоҳлаш мумкин?

Қишлоқ оммавий кутубхоналаридан фойдаланаётганларнинг 70—80 фоизи ёшлардир. Болалар асарлари эса зиёхонлар заҳирасида 10—12 фоизни ташкил этади, холос. Хўш, энди ўйлаб кўрингчи, бу аҳволда китоб тарғиботи тўғрисида гап бўлиши мумкинми? Китобни тарғиб қилиш учун, аввало, кутубхоначининг ўзида чуқур билим — ўзбек ва жаҳон адабиёти дурдоналаридан хабар топган бўлиши керак. Қани бизда бунақанги зиёкорлар? Бундайлар анқонинг уруғи десам, ишонаверинг.

Китоб тарғиботи ишида фақат кутубхона фаолияти билан чекланиб қолиш ярамайди. Даврий нашрлар ва шунингдек, ойнаи жаҳон, радиодан ҳам фойдаланишни яхшилаш ҳақида жиддий ўйлашимиз лозим.

М.: — Эргаш ака, ҳар бир қишлоқда мактаб, унинг эса кутубхонаси бор...

Э. Й.: — Ҳақиқатан ҳам, Ўзбекистонда 8 мингдан зиёд мактаб кутубхоналари мавжуд. Бу кичик миқдор эмас, албатта. Кутубхоначи ўқитувчилар билан ҳамкорликда ўқитиш ва тарбиялаш вазифасини бажаргани учун ҳам том маънода мураббийдир. Лекин у қоровул, фаррош, дурадгор билан бир қаторда техник ходим ҳисобланиши адолатсизлик эмасми? Мактаб кутубхоначилари, асосан, тасодифий одамлар (мактабни энди битирганлар, ҳисобчи, ҳуқуқшунос, қоровул, тикувчи ва ҳ. к.)дир. Мактаб кутбхонасининг моддий таъминоти ҳам ночор аҳволда. У, одатда, икки ёки уч хонадан иборат бўлиши керак. Ўзи китоб бериш хонаси ва қироатхона. Лекин бизда кутубхоналар асосан бир хонадан иборат, холос. У ерда дарсликлар, китоблар, даврий нашрлар аралашиб ётади. Жавонлар сиқилиб, китоб ўқиш тугул, ўқувчилар китоб танлашга қийналади.

Кутубхонада оммавий тадбирлар, китоб кўргазмаси, китоб шарҳи ўтказишга ҳам жой йўқ. Мактаб кутубхоналарида ҳисоб-китоб дафтари, кутубхоначи кундалиги, китобхон формулалари, кутубхона жавонлари, каталог қутилари ва хонада фаолият олиб бориш билан боғлиқ инвентарлар бўлиши лозим. Амалда булар йўқ ёки етишмайди.

Кутубхонанинг китоб фондини жамғариш ва дарсликлар ҳам талаб даражасида эмас. Мактаб кутубхонаси заҳираси, айниқса, қишлоқда ўқувчилар талабининг 30 фоизига ҳам жавоб беролмаётир. Хўш, нима учун шундай? Кутубхоначиликда шундай қоида бор — кутубхона фонди китобхон талабига қараб жамланиши керак. Амалда — тескариси. Дейлик, методист фалон суммага мактаблар кутубхоналари учун китоб буюртма қилади. Коллектор эса қўлига илинган китобларни жамлаб жўнатиб юборади. Натижада ўзбек тилида ўқитиладиган мактабларга — русча, рус тилидаги мактабларга — ўзбекча, тожик тилида ўқийдиган мактабга қозоқ тилидаги китобларнинг тушиб қолиш эҳтимоли кўп бўлаяпти.

Аслида ҳар бир мактаб кутубхонаси нашриётларнинг тематик режаси асосида керакли китобларни белгилаб ноҳия методистига топшириши лозим. Методист эса уларни жамлаб, таҳрир қилиб умумлаштиради ва умумий тематик — типологик режани кутубхоналар коллекторига топширади. Кейинчалик шу режа бўйича китоб олиш ва назорат қилиш имконияти туғилади.

М.: — Кейинги пайтларда кутубхоначи-педагог мутахассислар тайёрлашни йўлга қўйиш зарур, деган фикрлар тез-тез айтилмоқда.

Э. Й.: — Бундай мутахассислар, албатта, керак. Кутубхоначилик ва библиографик билим асосларидан ҳар бир киши хабардор бўлиши зарур.

М.: — Умуман, мактаб кутубхоналари фаолиятида жумбоқлар бисёр экан-да.

Э. Й.: — Ҳа, бу борадаги муаммолар хусусида фикр алмашишимиз учун севимли кунбитигимиз «Маърифат»нинг ёрдами жудаям керак.

М.: — Эргаш ака, қизиқарли ва мазмунли суҳбатингиз учун самимий ташаккур билдирамиз.

Суҳбатдош
Норбек УСАНОВ.

Методист тавсияси

«ҚИРҚ ТОШ» ЎЙИНИ

Қайта қуриш, мустақиллик шарофати туфайли халқимиз ўз динини, миллий урф-одатларини, анъаналарини қайта тикламоқда. Мана икки йилдирки, жумҳуриятимизда «Наврўз» байрами кенг нишонланмоқда, вилоятимиз миқёсида «ўзбек халқ ўйинлари» мусобақаси ўтказилмоқда. «Наврўз» байрамида, тўй-томошаларда халқимиз турли миллий ўйинларни ўтказганлар. 1994 йилда миллий ўйинлар бўйича жумҳурият олимпиадасини ўтказиш кўзда тутилмоқда.

Ўзбек миллий ўйинлари болаларда ҳаракатчанликни, чидамлиликни, меҳнатсеварликни тарбиялайди.

Қуйида биз эътиборингизга ҳавола қиладиган ўйин «Қирқ тош» ўйини деб аталади. Ўйинда икки ўқувчи ёки икки команда иштирок этиши мумкин. Ўйин бошланишидан олдин узунлиги 40 қадам бўлган чизиқ чизилади. Қадамлаб уни тенг 40 бўлакка бўлинади.

Биринчи ўқувчи 40 та тошни олиб, ҳар бир қадамга бир тошни қўйиб чиқади ва уларни биттадан териб чиқади. Териб чиқиш вақтида ҳар бир тошни қўлга олгандан сўнг маррага олиб келиб қўйиб қайтиши керак. Биринчи ўқувчи тошни қўйиб чиққунча ва териб олгунча босиб ўтган масофани ўйин бошқарувчи тўғри чизиқ бўйлаб ўлчаб чиқади. Иккинчи ўқувчи эса шу масофага югуриб бориши шарт. Қайси ўқувчи ўз олдига қўйилган вазифани олдин бажарса, ўша ўқувчи ютган ҳисобланади.

Ушбу ўйинни дарсда қўллаган пайтда ўқувчиларнинг жисмоний тайёргарлигини ҳисобга олган ҳолда тошлар сонини 10 тага ҳам келтириши мумкин. Ўқувчилар бу ўйинга кўника борган сайин тошлар сонини 40 тага қадар ошира борилади. Ўйиннинг афзаллиги шундан иборатки, унинг ёрдамида ўқувчиларни дарсга тайёрлаш учун кетадиган 10—12 дақиқани 1—2 дақиқага қисқартириш мумкин. Бунга қуйидагича эришилади. Дарс бошланиши билан синфдаги ўқувчиларнинг ҳар бирига 10 тадан тош олдириб, юқорида айтилган тартиб бўйича ўйин ўйнатилганда, уларнинг томир уришлари дақиқасига 170—200 тагача етади.

Ушбу ўйинни жисмоний тарбия дарсларида қўллаш ўқувчиларнинг дарсга бўлган қизиқишларини орттиради.

О. ХОЛНАЗАРОВ,
Жиззах вилояти Фориш райони халқ таълими бўлими методисти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИНФОРМАТИКА ЎҚИТУВЧИЛАРИ ВА МУТАХАССИСЛАРИНИНГ «ИСТИҚБОЛ» УЮШМАСИ

НИЗОМИ

1-БЎЛИМ

Умумий қондалар.

Ўзбекистон Республикаси информатика ўқитувчилари ва мутахассисларининг «Истиқбол» уюшмаси (қисқача Уюшма) кўнгилли мустақил жамоат ташкилотидир. У ўз сафида ёшларни компьютер саводхонлиги маданиятини оширишда, янги ахборот технологиясини ривожлантириш борасида иш олиб бораётган олимлар, методистлар, ўқитувчилар, халқ таълими ходимлари, инженерлар, программистлар ҳамда турли тоифадаги мактаблар, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, ҳунартехника билим юртлари, халқ таълими идоралари ва шу соҳага алоқаси бор заводлар, корхоналарни бирлаштиради. Уюшма ўз фаолиятида асосан фан ва амалиёт ходимларининг ҳамкорлигига таянади. Бу ҳамкорлик янги ахборот технологиясини ривожлантиришда ҳисса қўшаётган ходимлар ва корхоналар фаолиятини тубдан яхшилашга қаратилган. Уюшманинг асосий мақсади ўқитувчи ва ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга ҳар тарафлама ёрдам бериш, уларнинг иш фаолиятида ижодкорлик муҳитини ташкил этишдан иборат.

«Истиқбол» уюшмаси фаолиятининг йўналиши ва мазмунини белгилайдиган дастлабки ғоялар ўзаро ҳамкорлик, таълимни демократлаштириш, дарсликлар, педагогик дастур воситалари ва ўқитиш усулларининг турли-туман ҳамда сермазмун бўлиши, жаҳон стандартларига мос келадиган электрон-ҳисоблаш техника турларини таълим жараёнида қўллаш, ривожлантиришга қаратилиши лозим.

«Истиқбол» уюшмасида корхоналар ва ташкилотлар мавжуд аъзолик шартномалари асосида таъсис этувчилар бўлиши мумкин.

Ўзбекистон информатика ўқитувчилари ва мутахассислари уюшмаси ўз фаолиятини мазкур Низомга мувофиқ олиб боради.

Уюшма амалдаги қондаларга кўра юридик шахс ҳисобланиб, хўжалик ҳисоби принципларида иш юритади. Банк ташкилотида ўз мустақил ҳамда валюта ҳисоб рақамига, шахсий мулкига эга бўлади. Ўз хўжжатларига мустақил равишда тузатиш киритишга, мулкий ва шахсий ҳуқуқларга эга бўлиб, ҳуқуқий ҳолатида суд ва арбитражларда жавобгар ёки даъвогар сифатида қатнашиши мумкин.

— Уюшма ўз мулкига асосланиб амалдаги қонунларга кўра зиммасига олган мажбуриятлари бўйича жавоб беради:

— давлат, унинг идоралари ва ташкилотлар уюшманинг мажбуриятлари олдида жавобгар эмас, худди шундай уюшма ҳам давлат, унинг идоралари, ташкилотлар мажбуриятлари юзасидан жавобгар ҳисобланмайди;

— Уюшма Адлия вазирлигида рўйхатга олингандан бошлаб юридик шахс мақомига эга бўлади;

— Уюшма ўзининг муҳри, штампи ва бланкаларига эга бўлади;

— Ўзбекистон Республикаси информатика ўқитувчилари ва мутахассисларининг уюшмаси бошқаруви Тошкент шаҳрида жойлашган.

2-БЎЛИМ

Ўзбекистон Республикаси информатика ўқитувчилари, мутахассислари уюшмасининг асосий вазифалари.

Уюшманинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

— ўқувчилар компьютер саводхонлигини ошириш ва ўқитишда янги ахборот технологиясини қўллаш соҳасида жамоатчилик ташаббускорлигини ҳар томонлама ривожлантириш;

— Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг бўлимлари, ЭҲМлар ишлаб чиқарувчи корхоналар, компьютерлаштириш ишларини такомиллаштиришга алоқадор бўлган бошқа ташкилотлар, кичик корхоналарнинг фаолиятида ёрдам бериш;

— информатика ўқитувчиларига, мутахассисларига, тўгарак ва факультатив раҳбарларига, иқтидорли ўқувчилар билан иш олиб бораётган ўқитувчиларга, шу соҳани такомиллаштиришнинг самарали йўлларини ва воситаларини қўлловчи мутахассисларга уларнинг ижодий ташаббуслари, касбий манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, моддий ва маънавий кўмак бериш;

— информатика ва компьютерлаштириш таълими мазмуни, шакли ва методларини доимий аниқ мақсадга мувофиқ янгилашга хизмат қиладиган илмий тадқиқотларнинг тажриба-синов ишларини, марказларини ташкил этиш, уларни маблағ билан таъминлаш;

— Уюшма аъзоларини ижодкорлик ва муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, зарур бўлган маълумотларни тўплаш, тарқатиш, илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш, уларни оммалаштириш, иқтидорли ўқувчиларни қўллаб-қувватлаш;

— манфаатдор вилоят халқ таълими бошқармалари, корхона ва ташкилотлар учун савдо-иқтисод, ҳамкорлик масалаларини ишлаб чиқиш, улар учун янги корхона ва ташкилотлар тузиш бўйича таъсис ҳужжатларини тайёрлашда ёрдам бериш, ишлаб чиқариш ширкатини вужудга келтириш ҳамда бошқа хил ташқи иқтисодий алоқа масалалари бўйича шартномалар тузиш;

— Уюшма аъзоларининг, у билан ҳамкорлик қиладиган ташкилотларнинг манфаатини марказий, маҳаллий ҳокимият ва бошқармалар олдига ҳамда унга мос келадиган халқаро иқтисодий ташкилотлар олдига тақдим қилиш;

— янги ахборот технологияси яратувчиларнинг интеллектуал ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган иқтисодий ва юридик характердаги тадбирларни амалга ошириш;

— Уюшма қатнашчиларига, ҳамкорларига ахборотларни етказиб бериш учун тижорат ва техник ахборот йиғиш тизимларини, маълумотлар, билимлар базаларини ташкил қилиш, уларни имтиёзли тарқатиш;

— техник воситалар ва методик дастур комплексларини яратиш;

— реклама-нашриёт ишларини олиб бориш;

— кўргазмалар, аукционлар, семинарлар, анжуманлар, бошқа ўқув-илмий тадбирларни ташкил қилиш;

— қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларини ташкил қилиш;

— Уюшма аъзолари мустақил ҳамкорликдаги давлатлар ташкилотлари, чет эл фирмалари билан тўғридан-тўғри ҳамкорлик ўрнатиш учун ташқи иқтисодий алоқанинг янги формаларини ривожлантириш ва тегишли лойиҳаларни яратиш, бозорни ўрганиш мақсадида керакли шерикларни излаш;

— республика ҳудудидаги тижорат ишларини, брокерлик ва бошқа воситачилик ишларини мавжуд қонунлар асосида корхоналар ташкил қилиш орқали амалга ошириш;

— Уюшма аъзолари учун тажриба-синов ишларини ўтказиш ва қатнашиш учун тавсияномалар тузиш;

— олинган натижалардан фойдаланиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

— Уюшма аъзолари иштирокида тайёрланган лойиҳалар, ҳужжатларнинг бажарилишига ёрдам бериш;

— амалдаги қонунларга зид бўлмаган, уюшма фаолиятининг мақсади ва вазифаларига жавоб берадиган бошқа вазифаларни бажариш;

— Уюшма хизмати учун тўловлар миқдори бошланғич шартномада кўрсатилган сўмлар ва чет эл валюталарида амалга оширилади.

3-БЎЛИМ

Уюшманнг ҳуқуқлари.

Қўйилган масалаларни ҳал этишда уюшма қуйидаги ҳуқуқларга эга:

— Мустақил давлатлар ҳамдўстлигига кирувчи мамлакатлар ва чет эл давлатлари билан изчил алоқаларни амалга ошириш;

— амалий алоқаларни идоралар, ташкилотлар, фирмалар ҳамда уларнинг вакиллари, чет эл фуқаролари билан уюшманинг ваколатига кирадиган саволлари бўйича белгиланган тартибда тузади;

— ўзбекистонлик информатика ўқитувчиларини, мутахассисларини тажриба орттириш учун Мустақил давлатлар ҳамдўстлигига кирувчи мамлакатларнинг ва чет элларнинг ўқув юртларига, илмий марказларга юбориш, чет эллик ўқитувчи ва мутахассисларни Ўзбекистонда қабул қилиш;

— иқтидорли ўқувчиларни аниқлаш, уларга моддий, маънавий ёрдам кўрсатиш, олий ўқув юртларида ўқитиш, шу жумладан, чет эл ўқув юртларига юбориш;

— бирлашмалар, ташкилотлар ва чет эл фирмалари ҳамда алоҳида фуқаролар билан битимлар, шу жумладан ташқи савдо, кредит, вексел ва бошқа юридик актлар тузади;

— Мустақил давлатлар ҳамдўстлигига кирувчи мамлакатларда, чет элларда ҳам (ҳаракатда ва ҳаракатда бўлмаган) барча молмулкни кўриш, сотиб олиш, давлатга ўтказиб олиш ва арендага бериш ишларини амалдаги қонунлар асосида бажаради;

— белгиланган тартибда ўзининг филиаллари, ваколатхоналарини чет элда тузади, акционерлик ва бошқа ташкилотларда қатнашади;

— Уюшма баҳоларни келишиши, битимлар тузиши, ўзининг иш фаолиятини амалга ошириши учун керак бўлган «НОУ-ХОУ» анжомлари, машиналар, материалларга эга бўлади, бошқа ишлар ва хизматларни бажаради.

4-БЎЛИМ

Ўзбекистон Республикаси информатика ўқитувчилари, мутахассисларининг уюшмасига аъзо бўлиш.

Уюшма фаолиятини, принципларини тан олувчи, компьютерлаштириш соҳасида таълим ва тарбияни яхшилашда фаол иштирок этувчи Республиканинг МДҲга кирувчи, мамлакатларнинг, чет эл давлатларининг ҳар бир мутахассиси, бўлғуси мутахассиси, ҳамда ҳалқ таълими бўлими, бошқармалари, шу соҳага тегишли заводлар, ташкилотлар унга аъзо бўлиши мумкин.

Уюшма Низомини бузганлар ва аъзолик бадалини ўз вақтида тўламаганлар бошқарув қарори билан аъзоликдан чиқариладилар.

Уюшманинг вилоят, шаҳар ва районларда бўлимлари бўлиши мумкин. Уларни Марказий кенгаш рўйхатга олади.

Уюшма аъзолари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

— Уюшма томонидан ўтказиладиган барча тадбирларда иштирок этиш;

— Уюшмадан ҳуқуқий, моддий ва маънавий ёрдам олиш;

— Уюшмадан ўзи учун зарур илмий, амалий ва методик материаллар ҳамда бошқа ахборотлар олиш;

— Уюшманинг раҳбар органларига бўлган сайловларда қатнашиш, ўзи ва бошқаларнинг номзодини кўрсатиш ҳамда уюшма органларига сайланиш;

— ўз материалларини Уюшма орқали чоп эттириш;

— ушбу Низом доирасидаги фаолияти учун таъқиб қилиниб, қонуний ҳақ-ҳуқуқлари поймол этилса, уюшманинг кўмак ва ҳимоясидан фойдаланиш;

— ёзма ариза асосида Уюшмадан чиқиш.

Уюшма аъзоларининг бурчлари:

— Низом талабларини ва уюшма қарорларини виждонан бажариш;

— ҳар қандай вазиятда ҳам уюшманинг мақсад ва вазифалари, иш мазмунини ҳимоя қилиш;

— Уюшманинг барча тадбирларини ўтказиш ва уларни тайёрлашда фаол қатнашиш;

— Уюшманинг махсус ваколатисиз давлат идораларида, жамоат ташкилотларида уюшма номидан иш юритмаслик.

5-БЎЛИМ

Ўзбекистон Республикаси информатика ўқитувчилари, мутахассислари уюшмасининг раҳбар ва марказий органлари.

Уюшманинг олий органи қурултойдир. Унинг қарорлари барча аъзолар учун мажбурий. Вакиллар юбориш нормаси ва делегатлар сайлаш тартибини Уюшма бошқаруви белгилайди.

Уюшманинг қурултойи:

— Уюшма Низомини тасдиқлайди, унга ўзгаришлар ва қўшимчалар киритади;

— Уюшма бошқаруви ва тафтиш комиссиясини сайлайди, уларнинг ҳисоботларини эшитади ва тасдиқлайди;

— Уюшма фаолиятининг узоқ муддатли дастурлари ва режаларини кўриб чиқади ва тасдиқлайди;

— фахрий аъзоларни қабул қилади ва уларнинг фаолияти Уюшма Низомига зид келиб қолса, аъзоликдан чиқаради; фахрий аъзолар ҳам уюшма аъзолари каби ҳуқуқ ва мажбуриятларга эгадирлар.

— Уюшма фаолияти билан боғлиқ бўлган бошқа масалаларни ҳал этади.

Ўзбекистон Республикаси информатика ўқитувчилари, мутахассислари уюшмаси қурултойининг қарорлари оддий равишда ва кўпчилик овоз билан қабул қилинади. Овоз бериш тартиби (очиқ ва яширин) ва бошқа ташкилий масалалар қурултой томонидан ҳал этилади.

Қурултойда қабул қилинган қарорлар иштирокчилар умумий сонининг ярмидан кам бўлмаган тақдирдагина ҳақиқий ҳисобланади.

Қурултой ҳар уч йилда чақирилади. Уюшма аъзоларининг ярми талаб қилса, қурултой навбатдан ташқари ҳам чақирилади.

Ўзбекистон Республикаси информатика ўқитувчилари, мутахассислари уюшмасининг бошқаруви қурултой томонидан белгиланган миқдорда уч йил муддатга сайланади. Бошқарувнинг асосий вазифаси компьютерлаштириш соҳасидаги ҳамма ишларни мувофиқлаштиришдан иборат.

Бошқарув қуйидаги ваколатларга эга:

— Уюшма қурултойи қарорларини бажаришни таъминлаш;

— Уюшма фаолиятининг дастур ва режаларини ишлаб чиқиш;

— Уюшманинг тобе бўлимларига раҳбарликни амалга ошириш, уларни ташкил этиш ва тугатиш ҳақида қарорлар қабул қилиш;

— Уюшманинг молиявий ва моддий маблағлари юзасидан кўрсатмалар бериш, унинг даромад ва харажатлари, кирим-чиқим ҳисоби, йиллик молиявий режалар ва уларнинг бажарилиш ҳисоботларини тасдиқлаш;

— Уюшманинг ташкилотлар ва фуқаролар билан мамлакат ичида, шунингдек чет эллардаги ўзаро муносабатларда вакиллик қилиш;

— ўз дастурини ва асосий тадбирларини манфаатдор вазирликлар, идоралар, жамоат ташкилотлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти ҳмда бошқарув органлари билан келишиб амалга ошириш.

Уюшма қурултойи унга фаол раҳбарлик қиладиган бошқарув органини сайлайди. Бошқарув зарур бўлганда ўз йиғилишларини ўтказиб туради, лекин у икки ойда бир мартадан кам бўлмаслиги керак. Бошқарув йиғилиши иштирокчиларининг сони уларнинг умумий сонининг ярмидан кам бўлмаган тақдирда унинг қарорлари ҳақиқий ҳисобланади.

Уюшманинг тафтиш комиссияси:

— Уюшма бошқарувининг молиявий ҳамда хўжалик фаолиятини назорат қилиб туради;

— бошқарув идорасида ишларнинг ижро этилиш муддатлари, тўғри ёки нотўғрилигини, аъзоларнинг хати, таклиф ва аризалари юзасидан олиб борилаётган ишларни текшириб туради.

Ўзбекистон Республикаси информатика ўқитувчилари, мутахассислари «Истиқбол» уюшмасининг қурултойлар оралиғида ижро-тақсимот ишларини жамоатчилик асосида юритувчи раис ва унинг ўринбосарларини ҳамда бошқа ишлардан ажратилган ҳолда ижрочи директорни сайлайди. Ижрочи директор уюшма номидан ҳуқуқий аҳамиятли ишларни бажаради (ҳисоб очиш, қарзлар олиш, Мустақил давлатлар ҳамдўстлигига кирувчи мамлакатларда ва чет элларда битимлар, шартномалар тузиш, ишонч қоғозлари бериш, ишга қабул қилиш, ишдан бўшатиш ва бошқалар).

Бошқарув заруратга қараб янги аъзолар қабул қилиш ва аъзоликдан чиқариш ваколатига эгадир. Бошқарув мажлисида тафтиш комиссиясининг аъзолари маслаҳат овози ҳуқуқи билан қатнашишлари мумкин.

Уюшманинг тафтиш комиссияси молия ва хўжалик фаолиятини назорат қилади, моддий бойликларнинг ҳаволини ҳисобга олади. Уюшма таркибига кирувчи ташкилот, ширкатларни, уюшма бўлимларини тафтиш қилади.

6-БЎЛИМ

Уюшма ва унинг қатнашчилари орасидаги муносабатлар.

Уюшма ихтиёрий мустақил жамоат ташкилоти бўлиб, унга аъзо бўлган ташкилотлар, идоралар қатнашчиларининг ваколати асосида иш олиб боради.

Уюшма аъзолари, қатнашчилари белгиланган низом асосида кўрсатган фаолиятларидан тушадиган даромаддан фойдаланиш ҳуқуқига эгадир. Уюшма ўз қатнашчилари сўровига мувофиқ уларнинг манфаатлари юзасидан давлат ва ҳокимият органлари, бошқа ташкилотлар олдида вакиллик қилиш ҳуқуқига эгадир.

Уюшма ўзининг ишлаб-чиқариш, хўжалик, молия фаолиятини ўзи ишлаб чиққан муайян режа асосида ўз қошида тузилган корхоналар орқали олиб боради.

Уюшма қатнашчилари орасидаги муносабатлар шартнома асосида олиб борилади. Якка тартибдаги аъзолари орасидаги муносабатлар ушбу Низом асосида амалдаги қонунлар бўйича олиб борилади.

7-БЎЛИМ

Уюшма маблағлари.

Уюшма маблағлари қуйидаги манбалардан ҳосил бўлади:

— ўзбекистонлик, Мустақил давлатлар ҳамдўстлигига кирувчи мамлакатлар ва чет эл фуқароларининг ихтиёрий пул ўтказишларидан, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоят халқ таълими бошқармалари, шу соҳада ишлайдиган завод ва корхоналар ҳамда бошқа хайрия ташкилотлари ўтказадиган маблағлардан;

— Низомда кўзда тутилган ишлаб чиқариш, илмий ахборот бериш, маслаҳат бериш, нашриёт, маълумот бериш ва бошқа фаолиятлардан олинадиган даромадлар;

— Уюшма аъзоларининг аъзолик бадалларидан;

— Уюшма томонидан ўтказиладиган мақсадли муайян компьютерлаштириш дастурлари учун ажратилган давлат маблағларидан;

— бошқа киримлардан.

8-БЎЛИМ

Уюшманинг ташқи иқтисодий фаолияти.

Уюшма амалдаги қонунларга мувофиқ ўзининг ташқи иқтисодий фаолиятини амалга ошириш ҳўқуқига эгадир.

Уюшма ўз хўжалик фаолиятини, Низомда қўйилган барча вазифаларни амалга ошириш учун ташқи бозорда амалдаги қонунлар асосида экспорт-импорт операцияларини бажариш ҳуқуқига эгадир.

9-БЎЛИМ

Уюшманинг филиаллари, ваколатхоналари, кичик корхоналари ва ширкатлари.

Уюшма республика ҳудудида ва чет элларда ўзининг филиаллари, ваколатхоналари, кичик корхона ва ширкатларини тузиш ҳуқуқига эга ва бу тузилган ташкилотлар амалдаги қонунларга риоя қилади, ваколатхоналар, кичик корхона ва ширкатларга ўз эгалигидаги мулк ва маблағларидан ажратади. Ажратилган мулк ва маблағлар ана шу ташкилотларнинг мустақил жамғармасига ўтказилади. Бу ташкилотларнинг раҳбарлари уюшма қурултойи ёки бошқаруви кенгашида тайинланади.

Уюшма ва унинг ташкилотлари ўртасидаги муносабат шу ташкилотларнинг бошқарув кенгашида қабул қилинган Низомлар асосида бажарилади.

Ташкилотлар юридик шахс мақомига эга. Уларнинг Низомлари уюшма низомига зид бўлмаслиги керак.

10-БЎЛИМ

Келишмовчиликлар ва баҳсларни ҳал этиш. Уюшма фаолиятини тўхтатиш ва уни тарқатиш.

Ушбу Низом доирасида уюшма қатнашчилари ўзаро бир битимга кела олмасалар, келишмовчиликлар ёки баҳс-мунозаралар келиб чиқса, амалдаги қонун асосида бу масалалар ҳал қилинади.

Ўзбекистон Республикаси информатика ўқитувчилари, мутахассислар «Истиқбол» уюшмаси ўз фаолиятини қуйидаги ҳолларда тўхтатади:

— Уюшма ҳар хил тўловларни, мажбуриятларни бажара олмай қолганда суд қарорига мувофиқ ёки Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид ишларни бажарганда;

— Уюшма қурултойининг қарорига мувофиқ.

Уюшма ўз фаолиятини тўхтатиш, унинг тузилиши жиҳатидан ўзгариш (бошқа ташкилотларга қўшилиши, қўшиб олиши, бўлиниши, ажралиши, ўзгариши) ёки батамом тугатилиши орқали амалга оширилади.

Уюшма ўз фаолиятини тўхтатиши ёки тугатиши Ўзбекистон Республикаси қонунларига кўра амалга оширилади.

Уюшма тугатиладиган бўлса, унинг жамғарилган мулки Низомда кўрсатилган ишлар учун сарфланади.

(Низом Ўзбекистон Республикаси информатика ўқитувчилари ва мутахассислари «Истиқбол» уюшмаси таъсис қурултойида тасдиқланган).

* * *

ИЗОҲ: «Истиқбол» уюшмасига аъзо бўлиш истаги бор ўқитувчилар ва мутахассислар район халқ таълими бўлимларига, вилоят халқ таълими бошқармаларига, олий ва ўрта ўқув юрти талабалари, мутахассислари шу ташкилотларнинг масъул ходимларига мурожаат қилишини илтимос қиламиз.

Уюшмага аъзо бўлиш учун кириш бадали 10 сўм, йиллик бадали 24 сўм. Талабалар учун кириш бадали 5 сўм, йиллик бадали 10 сўм.

«Истиқбол» уюшмасига аъзо бўлиш ёки моддий ёрдам бериш истаги бор ташкилот ва идоралар қуйидаги манзилгоҳ бўйича мурожаат қилишларни сўраймиз: 700027, Тошкент шаҳар, Ўзбекистон кўчаси, 80-уй. Тел. 45-79-27.

Уюшманинг ҳисоб рақами 002700061, код 172682301, Тошкент шаҳар Нодирабегим саноат қурилиш банки бўлими.

Адабиёт ўқитувчиларига

УСТОЗ СИЙМОСИНИ ХОТИРЛАБ

Қишлоқда яшаб, меҳнат қилаётган айрим ҳамкасбларимиз шу пайтгача таниқли шоир ёки ёзувчини кўрмаганлар. Ана шундай ўқитувчи дарс жараёнида ўзи ҳикоя қилаётган ижодкорнинг фақат расм-портретини ўқувчи-ёшларга кўрсатишдан нарига ўта олмаслиги табиий бир ҳол. Жонсиз расм билан ўтилган ҳар бир қуруқ дарс таъсирсиз бўлиши турган гап. Бундай тавсифдаги дарслар машъаласиз хазинага кириш билан баробар. Ҳар бир дарсни кўргазмали, таъсирли, нишонга беҳато тегадиган даражада мақсадга мувофиқ ўтилишига интилаётган пешқадам ўқитувчи мавриди билан, имкониятга қараб ўзига замондош шоир-ёзувчилар юбилей кечаларида бўлиши, адиблар даврасидаги мулоқотларда қатнашиши шарт. Айниқса, дарсликларга киритилган ижодкорлар билан бўлган учрашувлар изланувчан, ижодкор ўқитувчилар саборига жон киритиб, дарс самарадорлигини оширади. Афсуски, ёзувчи-шоирларимиз қишлоқларга қадам ранжида қилиб, ўз мухлислари билан учрашишга ҳамиша ҳам вақт ажратишавермайдилар.

Ўзим ижодкор бўлганим учун ҳаётни ва ижоди мактаб дастурига киритилган кўпгина адибларнинг у ёки бу даражадаги ёшини нишонлаш кечаларида қатнашганман, улар ҳақида тенгдошлари, шогирдлари яратган эсдалик хотираларни ўқиб, тўпланган ана шундай материаллардан ўз ўринда фойдаланиб келяпман. Ҳар бир ёш ёки ўрта ёшли ҳамкасбларимиз шуни яхши билсинларки, дарсликда берилган материаллар теварак-атрофида ўралашиб қолиш, биринчидан ўқитувчига бўлган иззату ҳурматга путур етказади, иккинчидан ўқувчи билими чекланиб қолади.

...Ҳамон ёдимда. Кузги пахта йиғим-терим мавсуми бошланиши билан пахтакорлар қаторида ҳамма масъулият ўқитувчи ва ўқувчилар зиммасига тушарди. Манфаатдорлигу мукофотлар ҳузурини эса бошқа кўрса-да, устозу шогирдлар холис кўмаклари учун таънаю дашном эшитарди. Одатдаги юмушга айланиб қолган бундай мавсум 3—4 ой давом этиб, йиллик ўқув материалларини атиги икки чоракда жадаллаштириб, ихчамлаштириб ўтишдан ўзга чорамиз, орзу-додимизни эшитадиган бирон ҳимоячимиз йўқ ҳисоби эди.

Ана шундай мавсум қизиётган кунларнинг бири эди. Самарқанддаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли Алишер Навоий номли давлат дорилфунунининг мажлислар залида атоқли адиб Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 60 йиллик тантанали кечаси бўлишини эшитиб қолдим. Пахтадаги шерикларим билан келишиб, ўша юбилей учрашувига қатнашиб, ўзим сиртдан ихлос қўйиб, устозим деб билган кишининг нуроний сиймосини биринчи ва энг охирги марта кўрдим.

Устознинг ўз шогирдларига нисбатан талабчанлик ҳамда меҳрибонлик фазилатлари ўзимга «юққан»лигидан ҳали-ҳануз фахрланиб юраман. У киши томонидан «Етти ўлчаб, бир марта кес» ақидаси асосида яратилган халқ мақоллари, сермазмун иборалари ҳамиша мақолаларимнинг эпиграфи, дарсларимнинг мағзи бўлиб келяпти.

Кўпгина учрашув ва гурунгларда: «Домла, сиз Абдулла Қаҳҳорнинг садоқатли мухлиси ва ғойибона шогирдларидан бирисиз. Устозингизнинг оилавий аҳволи, фарзандлари ҳақида маълумот берсангиз», дея илтимос ила мурожаат қилишади. Бу саволга аниқ, ишонарли жавоб беришда менга таниқли адабиётшунос олим, профессор Озод Шарафиддиновнинг 1988 йилда «Ёш гвардия» нашриётида чоп этилган «Машҳур кишилар ҳаёти» серияси даги монографияси жуда қўл келяпти, қўшимча материал сифатида асқотяпти.

Мустақиллигимизга муносиб ҳисса қўшган жасур, ҳамиша ҳозиржавоб, қўрқмас, довюрак, келажакни олдиндан тасаввур қила оладиган адибимиз хизматларини холисона баҳолаб, унинг сиймосини қайта-қайта хотирлайлик!..

Н. ЭШҚУВВАТОВ,
Самарқанд вилояти Пастдарғом районидаги 24-ўрта мактаб ўқитувчиси.

ШОД КЎНГИЛЛАР ҒАШЛАНДИ

«Қизилқум» давлат хўжалигига қарашли биринчи фирма маркази — Есқудуқ овули Конимех райони марказидан 260 километрча узоқ масофада жойлашган. Бу маскан чорвадорлари қорақўлчиликни ривожлантиришга муносиб улуш қўшиб, Қизилқум кенгликларида фидойилик кўрсатиб келишади. Яқинда овул аҳолиси орзиқиб кутилган қувончли воқеанинг гувоҳи бўлишди. Бу ерда Мухтор Авезов номидаги 37-тўлиқсиз ўрта мактаб жамоаси янги қуриб битказилган салобатли бинога кўчиб ўтди.

Ўша куни есқудуқликларнинг қувончи чексиз бўлди. Мактаб жамоаси билан биргаликда чўпон-чўлиқларнинг оила аъзолари мактаб олдида бу муҳим санани нишонлашди. Куй ва қўшиқлар садоси остида янги бинони қуриб беришда фаоллик кўрсатган МПМК-222 қурилиш ташкилоти қурувчиларига, давлат хўжалиги раҳбариятига чексиз миннатдорчиликларини билдиришди. Аммо...

Ўқув даргоҳининг очилиш маросимида лентани қирқиб, бино ичига кирганларнинг ҳафсаласи пир бўлди. Нега дейсизми? Сабаби хоналардаги қурилиш ишлари палапартиш бажарилган, баъзи юмушлар ниҳоясига етмаган. Эски жиҳозлар мактаб ҳуснига доғдай бўлиб турибди. Нарх-навонинг таъсирими ёки қурилиш материалларининг тақчиллигими, нима бўлгандаям ўнга яқин синф хоналарининг иккитасига линолиум тўшаш, иккиуч хонага печка учун мўрни қўйиш унутилиб, электр тармоғини монтаж қилиш ишлари чала-чулпа бажарилибди. Бундай кўринишлар шод кўнгилларни ғашлантирди. Бироқ овулдошлар нонложликдан «Шунисига ҳам раҳмат», дейишмоқда.

А. РАҲМОНОВ.
Навоий вилояти.

Кутлайман!

Ҳурматли Мамасоли СОБИРОВ!

Сиз сермазмун ҳаётингизнинг олтмишинчи давонидан ўтаяпсиз. 42 йиллик ёш авлод тарбиясию маориф ишига сарфланган умр бугунги кунда ўзининг турфа оламини очган. Кўплаб фан номзодлари, етук муҳандислару оташқалб мураббийлар Сизни севимли устоз деб биладилар. Меҳнатсевар ва оқил фарзандларингизнинг беш нафари ота касбини танлагани ҳам шундандир. Ўттиз тўрт йилдирки, Риштон ноҳиясидаги Ю. А. Гагарин номли 3-ўрта мактабда директорлик қилар экансиз, шогирдларингиз, шижоату ғайратингиз яна кўп йиллар сўнмасин, дейди.

М. ТОПИБОЛДИЕВ ҚИШЛОҚ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ ВА МАКТАБ ЖАМОАСИ.

ТИЛ ФАЗИЛАТЛАРИ, УНИНГ ФОЙДА-ЗАРАРЛАРИ ҲАҚИДА

Илк туркий маърифатнома — Қутадғу билиг

Башарият маънавий тараққиётининг бутун давомида шаклланиб барчага баравар манзур, барча даврлар учун мақбул, умуминсоний аҳамият касб этган хислат-фазилатлар, ақида ва ҳодисалар силсиласида тил, нутқий фаолият алоҳида ўрин тутади. Тил — инсониятнинг буюк кашфиётидир. Одам ўз фаолиятида қандай ютуқларни қўлга киритган, нималарга эришган бўлса, барчасининг негизида тил ётади. Шу боис барча даврларда улуғ сиймолар тил масаласига алоҳида аҳамият берганлар. Туркий достоннависликнинг бобокалони Юсуф хос Ҳожиб ҳам ўзининг ўлмас асарида «Тил эрдамин асғин мунларин сўзлаюр» (тил фазилатларини, фойда-зарарларини баён қилади) лавҳаси билан тил таърифида алоҳида боб очган.

Юсуфнинг замондоши Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарида ҳам шу мазмунда «Эрдам баши тил» (фазилатларнинг боши тилдир) деган туркий мақол мавжуд. Дарҳақиқат, ҳар қандай эзгуликнинг, одобнинг, ахлоқнинг, хислат-фазилатнинг, яхшиёмон, эзгу-эсиз иш-амалларнинг, қилиш-қилмишларнинг негизида тил ётади. Юсуф мана шу ва шу каби масалалар теварагида баҳс қилади, фикр юритади, тилнинг нозик ва қалтис жиҳатларига одамларнинг диққат-эътиборларини тортиб, йўл-йўриқлар кўрсатади, яхши маслаҳатлар беради.

Тил туфайли одамнинг билими чуқурлашади, зеҳну заковати равнақ олади, жило топади, ақл-идроки ўткирлашади, фикри равшанлашади, маънавий дунёси бойийди. Тил инсон ботиний дунёсининг зоҳирий жилосидир. Тил туфайли одамнинг қадр-қиммати, иззат-ҳурмати, эътибори ортади, унга қутбахт кулиб боқади, иқболи порлоқ бўлади, саодат юз уриб келади. Аммо тилнинг бу ва шунга ўхшаш фазилатлари унинг меъёри, ҳад-чегараси доирасига риоя қилиш билан боғлиқ. Риоя ҳадди бузилса, тилнинг зиён-зарарларидан сақланиш, халос топиш амри маҳол, у—умрга завол, ундан танга малол, жонга увол шубҳасиз. Қизил тил қора бошнинг ёви. Жоҳилнинг сўзи ўз бурнини қонатади, нодоннинг тили ўз бошини ейди. Ношоиста, ноўрин сўз номусни ерга букиб, бошни хам қилади.

Тилнинг фойда-зарарлари беҳисобдир. Бинобарин, унинг фақат фойдали томонларини тутиш, зарарли томонларини итқитиб четга отиш керак. Одам икки сабаб билан ўзини мангу қилади: бири — хуш феъли, яна бири—яхши сўзи. Билиб, ўйлаб, мавридида, керак сўзнигина сўзлаш, нокерак сўзни эса кезлаш керак. Оз сўзлаш, кўп тинглаш маслаҳат. Зеро, кўп сўздан манфаат йўқ. Оз сўз билан кўп чигалликларни ечиш маҳоратига, тил фасоҳатига, лафз ширинлигига, сўз нозиклигига, калом мулойимлигига, нутқ равонлигига, фикр жозибасига, мантиқ силлиқлигига эга одам саодатга соҳиб, алқовга сазовор, мақтовга лойиқ, ибратга тимсол бўлади. Бундайлар чин донодирлар. Дононларнинг сўзлаган сўзлари кўр қабилидаги нодон ва жоҳиллар учун мисоли кўрар кўздир.

Тилга эрк бермаслик, керак-керакмас сўзларни пойинтар-сойинтарига қарамай валақлаб, вайсаб сўзламаслик, фақат зарур, жўяли сўзларнигина ўрнида сўзлаш ақл тақозосидир. Сўз олтин-кумушдан, ҳар қандай бойлик-давлатдан ортиқ, қиммати бебаҳо, уни ўлчайдиган мезон йўқ. Олтин-кумуш ишга солинса тугайди, олқинади. Ишга солинган сўз олтин-кумуш, бойлик келтиради. Бисот ўғрисининг қўли сўз бисотига етмайди. Уни ҳеч қандай куч эгасидан ситиб, тортиб олишга қодир эмас.

Одамдан одамга қоладиган мангу мерос сўздир. Уни қадрли тутиб амал қилганлар кам бўлмайдилар, дейди Юсуф хос Ҳожиб. Унинг ўзидан мерос қолган сўзларни уқиб ўқиганлар ҳам шояд кам бўлмагайлар:

уқушқа билигка бу тилмачи тил
яруттачи эрни йўриқ тилни бил
мазмуни:
заковат, билим таржимони — бу тил
ёруғликка элтар одамни у, бил
кишига тил улуғлар булур қут киши
кишига тил ужузлар ярир эр баши
мазмуни:
тил эрни улуғлар, топар қут киши
тил эрни тубанлар, ёрилар боши
тил арслан турур кўр эшикда ятур
ая эвлуг арсиқ башингни еюр
мазмуни:
тил арслон кабидир, қафасда ётур
қафасдаги ваҳший бонингга етур
тилин эмгамиш эр негу тер эшит
бу сўз ишка тутғил ўзунгга иш эт
мазмуни:
тили қийнаган эр нима дер, эшит
бу сўзга амал қил, ўзингга иш эт
мени эмгатур тил эзи ўк телим
башим кесмасуни кесайи тилим
мазмуни:
мени тил азоблар, этар танг ҳолим
бошим кесмасидан кесайин тилим
сўзунгни кўзазгил башинг бармасун
тилингни кўзазгил тишинг синмасун
тилиғ каз кўзазгил кўзазилди баш
сўзунгни қисурғил узатилди яш
мазмуни:
тилингни кузатсанг, кузатилди бош
сўзинг қисқа қилсанг, узун бўлди ёш
тил асғи телим бар басинма укуш
ара ўгдилур тил ара минг сўкуш
мазмуни:
нафи кўп бу тилдан зарар ҳам келар
гоҳо мақталар тил, гаҳо қарғалар
неча мундағ эрса билиб сўзла сўз
сўзунг бўлсу кўзсуз қарағуқа кўз
мазмуни:
топиб ўрнини ҳам билиб сўзла сўз
сўзинг айла кўзсиз, нобийнога кўз
туғуғли ўлур кўр қалур белгусуз
сўзунг эзгу сўзла ўзунг ўлгусуз
мазмуни:
туғилган ўлар, кўр, бўлар белгисиз
сўзинг эзгу сўзла, ўзинг ўлгусиз
эки нанг била эр қаримаз ўзи
бир эзгу қилинчи бир эзгу сўзи
мазмуни:
одам икки нарсала мангу ўзи
бири — эзгу феъли, бири—хуш сўзи
киши туғди ўлди сўзи қалди кўр
ўзи барди янглуқ ати қалди кўр
мазмуни:
туғилган ўлади, қолади сўзи
хотиротда мангу бўлади ўзи
қара баш яғиси қизил тил турур
неча баш еди бу тақи ма еюр
башингни тиласанг тилингни кўзаз
тилинг текма кунда башингни еюр
мазмуни:
қора бош ёви бу қизил тил эрур
неча бош еган у, яна ҳам еюр
бошинг бўлсин омон, тийиб юр тилинг
тилинг истаган кун бошингга етур
сўзун сўкса ялғуқ ачитса тилин
сўнгукка сизиғ ул кўнгулка ялин
уруб берка баши бутар терк сўнар
тилин сўкса бутмас ачиғи йилиғ
мазмуни:
киши сўкса, аччиқ тутар ерса тил
суякка урар ниш, оғритар кўнгил
таёқ зарбасининг изи тез ўчар
бу тил зарбидан из қолар ойу йил
кўнгул сирри берк тут сен айма тилин
қали ачтинг эрса ўкунчи йилин
қизил тил қара башқа явлақ яғи
бу явлақ яғиғ бекла инчин салин
мазмуни:
кўнгил сиррин очма, яширгин уни
агар очсанг уни, ўкинч ҳар они
қизил тил қора бош ёви бегумон
ашаддий бу ёвни кузат тун-куни
сўзуг барча сўз теб чиқарма тилин
кўру сақну сўзла керакин билин
уқушлуғни кўрдум кўр аз сўзлади
укуш сўзладим теб ўкунди йилин
мазмуни:
ҳамма сўзни сўз деб гапирма узоқ
керак сўзни сўзла бўлиб кўз-қулоқ
зеҳнлини кўрдим, у оз сўзлади
талай сўзладим деб ўкинди, бироқ
сўзи чин керак бег қийиқсиз кўни
сўзинда яниғлиғ тема эр ани
тилин сўзламиш сўзда янмас эран,
сўзинда яниғли ишарлар эши
мазмуни:
сўзи чин бўлиши керак эр киши
бериб ваъда тонмоқ эмас мард иши
одам марди тонмас деган сўзидан
сўзидан тонувчи — заифлар эши
кўни сўз ачиғ ул сингургил ани
ярин асғи келга сучитга сени
кўни сўз кўнгулка кўр ачиғ ириг
ириг сўз кўни ул кўни сўз қани
мазмуни:
эрур сўз чини талх, ҳазм қил уни
кейин нафъи келгай, сучитгай сени
кўнгилга дағал, талх келар тўғри сўз
дағал сўз бўлар рост,
шу рост сўз қани
сўзуг яқши сўзла эзи сақну ўз
айитуқта сўзла яна теркин уз
укуш сўз эшитгил телим сўзлама
уқуш бирла сўзла билиг бирла туз
мазмуни:
чуқур ўйла аввал ва сўнг сўйла сўз
жавоб бер-да қисқа, керак ерда уз
талай сўз эшитгин ва кўп сўзлама
зеҳн бирла сўзла, билим бирла туз
уқуш кўрки сўз ул бу тил кўрки сўз
киши кўрки юз ул бу юз кўрки кўз
мазмуни:
ақл кўрки тилдир, бу тил кўрки—сўз
киши кўрки юздир, бу юз кўрки—кўз
киши кўрки сўз ул бу сўз ўк телим
юри эзгу сўзлуг кишиг ўг тилим
мазмуни:
одам кўрки сўздир валек сўз талай
ширин сўзли одам дуруст ҳар қалай
сўз асғи била кўр яғиз ердаки
яшил кўкка юклар бўлур тўрдаки
мазмуни:
сўзин нафъи бирла бу бўз ердаги
яшил кўкка юксар, бўлур тўрдаги
қали сўзлаю билмаса тил сўзуг
яшил кўкда эрса кўр индрур ўзуг
мазмуни:
агар эпламасанг демакни сўзинг
баланддан қуйига инарсан ўзинг
киши туғди ўлди сўзи қалди кўр
ўзи барди янглуқ ати қалди кўр
мазмуни:
туғилган ўлар, сўзи, ёди қолар
ўзи ўлса тилларда оти қолар
тириглик тиласа ўзунг ўлмагу
қилинчинг сўзунг эзгу тут эй бўгу
мазмуни:
гар истар эсанг сен жовидон ҳаёт
ширин сўзли, хушфеъл бўлиб
қолдир от
бу айтолди айди укуш сўз ул ул
айитмади сўзлаб ирикса кўнгул
мазмуни:
э Ойтўлди, кўп сўз зиён ва завол
сўралмаса сўзлаш—кўнгилга малол
бу аз сўз ул ул ким айитмишқа ўз
жаваб берса сўзка янут қилса уз
мазмуни:
бўлар сўз дурусти каму қисқа, оз
сўроққа жавоб қисқаси келди соз
тилиг ўгдум анча ара сўктугум
тилаким сўз эрди сенга йўрдугум
мазмуни:
бу тил хайри, шаррин бироз сўзладим
ниятим—сенга манфаат кўзладим
камуғ сўзни йиғса уқуш тапламас
керак сўзни сўзлар киши кезламас
мазмуни:
зеҳн барча сўзни ҳазм айламас
керак сўзни айтар одам, кезламас
сенга сўзладим мен сўзум, эй ўғул
сенга берди бу панд ўзум эй ўғул
мазмуни:
сенга сўзладим мен сўзим, эй ўғил
сенга панд айтдим ўзим, эй ўғил
кумуш қалса алтун менингдин сенга
ани тутмағил сен бу сўзка тенга
мазмуни:
кумуш қолса, олтин менингдан мерос
улар қийматин сўзга қилма қиёс
кумуш ишка тутса туар алқинур
сўзум ишка тутса кумуш қазғанур
мазмуни:
кумуш ишга солсанг тугар, олқинар
сўзим ишга солсанг кумуш келтирар
кишидин кишика қумару сўз ул
қумару сўзи тутса асғи юз ул
мазмуни:
одамдан одамга меросдир бу сўз
мерос сўзни тутсанг нафъи мингу юз

Қ. КАРИМОВ.

УЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ ЎҚИТУВЧИЛАРИ ҲАМДА МУТАХАССИСЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Узбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги буйруғи асосида таъсис этилган «Узбек тилини ўрганиш ва ўқитишни қайта қуриш ҳамда такомиллаштиришнинг долзарб масалалари» доимий илмий-тадрижий анжуманининг навбатдаги йиғилиши 1993 йил апрель ойида Қарши давлат дорилфунунида ўтказилади.

Анжуман муҳокамасига қўйилган бош масала: «Она тилидан таълим мазмунини янгилашнинг асосий йўналишлари». Шунингдек, халқ таълимининг барча бўғинларида она тили, эски ўзбек ёзуви, таълим рус ва бошқа тилларда олиб бориладиган гуруҳларда ўзбек тили таълими мазмунини янгилаш, такомиллаштириш масалалари хусусида ҳам фикр юритилади.

Узбекистон Халқ таълими вазирлиги юқорида зикр этилган масала юзасидан барча қизиқувчиларни мунозарали маърузалар билан ЎТДА иккинчи йиғинида иштирок этишингизни сўрайди.

Маърузанинг 1—2 бет ҳажмдаги қисқача баёнини 1993 йил 1 январгача Қарши, 730003, Қўчабоғ, 17, Қарши давлат дорилфунуни «Узбек тили» доимий анжумани ташкилий қўмитасига йўллашингиз сўралади. Тезисларда иш жойингиз ва уй манзилингизни кўрсатишни унутманг.

Она тилимиз жонкуярлари! Баҳсга, мунозарага марҳамат.

РЕСПУБЛИКА ЎҚУВ-МЕТОДИКА МАРКАЗИ.

БИЛАСИЗМИ?

МУЪЖАЗ РАҚАМ

Қадимги Ҳиндистондаги астрономия, физика, фалсафа билимларида 4 та табиий ҳодиса кўпроқ жонлантирилган дейиш мумкин. Бошқа барча қадимги халқларда бўлгани каби Ҳиндистондаги барча фалсафий оқимлар 4 элемент ёки табиий ҳодисани: ер, сув, олов, ҳавони бирламчи деб билганлар.

●

Эрамизнинг II асрида яшаган грек ёзувчиси Флавий Арриан ўзининг Ҳиндистон ҳақидаги китобида ўша даврдаги катта бир шаҳар деворида 570 та минора, 64 та дарвоза бор эди, деб ёзганди. Уни қаранг, ҳатто дарвозалар сони ҳам сеҳрли рақамга мослаб қурилган.

●

Қадимги ҳинд адабиётларида ҳаёт 4 босқичдан иборат, 4 хил мавжудот бор, 4 та руҳий ҳолат, 4 ҳақиқат, 4 хил сиёсат, 4 хил овқат ва ҳоказо деб кўрсатилади. Демак, шохмат тахтасидаги катакларнинг миқдори сеҳрли бўлишин ўша давр фалсафий оқими ва ғоясига мувофиқ равишда тузилган.

А. АЛИЕВ тайёрлаган.

Нафосат бўстони

ҚУШИҚ СЕҲРИ

Жумҳуриятимизда халқимизнинг жуда кўп севимли, машҳур санъаткорлари бор. Аммо ҳар қайсисининг ўз ўрни бор. Қўшиқчилик (ҳофизлик) санъатида ўз ўрнини топа олган машҳур ҳофизларимиздан бири Маҳамаджон Каримовдир. Эллик йилдан буён халқимизга садоқат билан хизмат қилиб келаётган Маҳамаджон ака ўзининг сода ва камтаринлиги, тўғри сўзлиги, ваъдасининг устидан чиқишлиги билан бошқалардан ажраб туради. Унинг сеҳрли қўшиқлари барчага ёқади. Бунинг сабаби Маҳамаджон ака қўшиқнинг ҳар бир сўзини аниқ, доно-доно қилиб айтиш билан бирга қандайдир юракни ларзага солувчи бетакрор оҳанги ҳам бор:

Кеча келгумдир дебон ул
сарви гулрў келмади,
Кўзларимга кеча тонг
отгунча уйқу
келмади,
Лаҳза-лаҳза чиқдим-у,
чектим йўлига интизор,
Келди жон оғзимга — у
шўхи бадхў келмади.

Алишер Навоий ғазали билан айтилувчи «Муножот» қўшиғини жуда кўп санъаткорлар куйлаган, ҳозир ҳам куйламоқдалар. Аммо «ҳар гулнинг иси бошқа» деганларидек, ажойиб истеъдод эгаси Маҳамаджон ака ижросидаги қўшиқ, назаримда, ўзгача жаранглайди, гўё Алишер Навоий юрак нолаларининг акс-садосидай эшитилади.

Ўз касбини севган Маҳамаджон Каримов вақти зиқлигига қарамай, 20 йилдан буён жумҳурият ўқитувчилар уйида бир кун бўлиб (ҳафтанинг сешанба куни) 30 га яқин фахрий педагоглар талабларига кўра 3—4 қўшиқни айтиб бериш билан бирга 5—6 та шогирдларига ҳам сабоқ беради. Ҳозир кўпчилик шогирдлари ўзлари мустақил куй чалишни, қўшиқ айтишни ўрнига қўйишмоқда. Яқинда Маҳамаджон ака билан суҳбатлашиб қолдим.

— Маҳамаджон ака, қўшиқчилик Сизга ота меросми ёки бирорта устоз раҳнамолик қилганми?

— Ҳа, албатта, бирорта касбга ҳавас қўйишда ё оила, ёки бирорта кишининг таъсири бўлади. Раҳматлик отам-нинг касби сартарошлик эди. Тошкентнинг «Каллахона» маҳалласида (бозор ёнида) уларнинг сартарошхоналари бўларди. Мен кўпинча дарсдан сўнг у ерга бориб, отамга қарашардим. Сартарошхонада соч олдирувчилардан ташқари, доим 3—4 киши бўлиб, бўш пайтларида аския айтишиб ёки тор чалиб ҳангома қилиб ўтиришарди. Бу кишиларнинг кўпчилиги уйимизда ҳам бўлишарди. Отам ҳам уларга қўшилиб тор чертардилар. Кейинчалик билсам, келувчилар Мулла Тўйчи ака, Юнус ака, Ғулом қори, Нигмон қори каби машҳур ҳофизлар экан. Уларнинг ашуласига, аскияларига ва ажойиб созларига маҳлиё бўлиб дастёрлик қилардим. Баъзан уйда ёлғиз қолганимда ўзимча отамнинг дуторида машқ қилиб юрдим. Санъатга қизиқишимни англаган отам мени Тўйчи ҳофиз Тошмуқамедовга шогирдликка бердилар. 4—5 йил у кишининг тарбияларида бўлдим. Устоз дастлаб менга ахлоқ-одобдан дарс ўтиб, сўнг бир неча ғазални тўғри ёдлашни ўргатдилар. Шундан кейин тор чалишни ва ашула айтишни ўргатдилар.

— Маҳамаджон ака, дастлаб қаерда ишлагансиз?

— Соз чалишни ўрганиб олгач, 1936 йилдан бошлаб ҳаваскор сифатида радиода қатнашдим. Бу даргоҳда ўша вақтнинг етук санъаткорлари қисобланган Акбар қори ака, Турғун Каримов, Озод Абдулла созанда, Имомжон ака, Карим Мўминовдан кўп нарса ўргандим. 1939 йилда Москвада Бутуниттифоқ танловида қатнашиш шарафига муяссар бўлдим. Кейинчалик Хоразмда, Чоржўйда, касбдош дўстим Абдураҳмон Толипов билан Мирзачўлда ҳам хизмат қилдим.

— Улуғ Ватан урушида ҳам қатнашган экансиз...

— Ҳа, уруш бошланиши билан мен ҳам дўстларим билан 1942 йилнинг баҳорида фронтга отландим. Дастлаб Инза шаҳрига бориб бир йил кичик командирлар тайёрлаш курсида ўқидим. 1943 йилнинг бошида оғир жангларда қатнашдим. Орлов шаҳри учун бўлган жангда оёғимдан яраландим. Бир неча вақт госпиталда ётиб даволангач, яна Ленинградни ҳимоя қилиш учун жангга кирдим. Оғир жангларнинг бирида ўнг қўлимдан яраланиб, панжаларим мажақланиб кетган эди. Яна Ленинград госпиталида узоқ муддат ётишимга тўғри келди. Госпиталда ётган вақтимда қўлимдан оғир ярадор бўлганлигим туфайли жуда қаттиқ қайғурдим. Чунки бундан сўнг қўлимга тор ололмасам керак деб ўйлардим. Аммо умрингдан барака топкур шифокорлар санъаткор бўлганимни билгач, амаллаб панжаларимни бироз ўрнига келтириб, тор чалишга мослаб бердилар. Хурсанд бўлганимдан ҳар куни гитара чалиб машқ қила бошладим. Ҳатто госпиталда ётган санъаткор дўстларим Собир Розиқов (бир қўли йўқ эди), Комил Алиев билан кичик дастра тузиб, касалхонада ётган аскарларга концертлар берардик. Ниҳоят, 1944 йил ёзида Тошкентга қайтдим. Яна радиода ишлай бошладим...

Маҳамаджон ака Каримовнинг ҳаётида яқинда катта воқеа рўй берди. Узбекистон Республикаси мустақиллигининг бир йиллиги тантанаси кунида Президентимизнинг Фармони билан унга Узбекистон халқ ҳофизи деган юксак унвон берилди.

Ҳамидулла ЙЎЛДОШЕВ,
фахрий педагог, жумҳуриятда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими.

КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА

ТАРБИЯГА МИЛЛИЙ РУҲ

Халқимизнинг азалий орзуси амалга ошди. Жумҳуриятимиз мустақилликни қўлга киритди. Бутун дунё унинг мустақиллигини тан олди. Халқимиз томонидан яратилган маънавий дурдоналар — миллий анъаналар ва удумларни синчковлик билан ўрганиш, халқимизни тарбиявий хазиналардан баҳраманд этиш, уларни кундалик турмушга қадам-бақадам татбиқ этиш тарбия соҳасидаги муҳим вазифалардан биридир.

Яқинда «Узбекистон» нашриёти Наманган давлат дорилфунуни профессори А. Қ. Мунавваров ва доцент М. Маъмуровнинг «Яп-роқ илдиздан қувват олади» рисоласини чоп этди. Рисоланинг «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи» сарлавҳали мавзуида халқимиз томонидан асрлар давомида қатралаб яратилган миллий қадриятларнинг илдизлари чуқур очиб берилиши билан бирга ечимини кутаётган муаммолар ҳам ўртага қўйилади.

Барча халқлар қатори ўзбек халқининг ҳам, ҳатто ёзув пайдо бўлмасдан аввал «халқ дорилфунунлари» бўлганлиги, унда халқ оғзаки ижоди муҳим роль ўйнаганлиги ҳаётий мисоллар билан исботланган. Ҳозиргача хотин-қизларни эркаклар билан тенг ҳуқуқ эга деб, уларни ўзбекона нафис латофатдан, ҳаёдан маълум даражада бегоналаштирдик. Рисолада қизларга қадимдан таркиб топган туркона тарбия бериш ва бунда онанинг ўрни ҳақида қимматли фикрлар баён этилган.

Маълумки, ҳар қандай билим илғор тажрибаларнинг илмий умумлаштирмасидан иборат. Назарий билим тажрибанинг нурли чироғидир. Шу боис оилада кўпни кўрган, иссиқ-совуқни, пасти-баландни, ёмонлик ва яхшиликни ўз бошидан кечирган бобо, момо ва ота-оналарнинг ўрни алоҳида тарбиявий қиммат-га эга. Оилада нуфузли қадриятларга эга бўлган катталарнинг роли «Қари билганни — пари билмас» сарлавҳаси остида умумлаштириб берилган.

Рисолада ҳар қандай жамиятда бунёдкорлик меҳнати ҳал қилувчи мавқега эга эканлиги, хусусан, оилада, бола тарбиясида меҳнат ҳал қилувчи аҳамият касб этишининг ўзбекона қирралари кўрсатиб берилган.

Ғ. АБДУРАҲИМОВ,
Наманган вилоятн ноҳтидорли ўқувчилар мактаб-интернатининг олий тонфали методист-ўқитувчиси, Узбекистон халқ маорифи аълочиси.

Бош муҳаррир Аҳмаджон ДОЛИМОВ.

Таъсис этувчилар: Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Педагогика жамияти

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул секретарь — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-04-21, 52-35, нашриёт диспетчери — 32-78-94, нашриёт телефон станцияси навбатчиси — 33-90-50.

Узбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концернининг босмахонаси. Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

№ Г-471. ИНДЕКС: 64595. Босишга топшириш вақти 20.00. Босишга топширилди 18.10. Тираж 44761.